

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК ()

ВАХОБОВ АНВАР АБДУСАТТОР ЎҒЛИНИНГ

**“Чақириққача бўлган ўқувчи-ёшларнинг ижодкорлик қобилиятларини
шакллантиришда ўқув лойиҳаси усулининг хусусиятлари” мавзусида**

Мутахассислик: 5A111501-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(чақириққача ҳарбий таълим)
Магистр даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

“Ҳимояга руҳсат этилсин”
Магистратура бўлими бошлиғи:
_____р.ф.н., А. Нурманов

“_____” июн 2018 йил

Ҳимояга тавсия этилсин” “Ҳарбий ”
таълим факультети бошлиғи:
_____п/п-к Л.Х.Давиров

“_____” июн 2018 йил

Илмий раҳбар: подполковник
_____ Ш. Дурменов

Тошкент – 2018 йил

МУНДАРИЖА

	КИРИШ	2
I-БОБ.	ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИГА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ	9
1.1.	Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик жараёнига илғор педагогик технологияларни тадбиқ этишнинг концептуал асослари.....	9
1.2.	Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик жараёнига илғор педагогик технологияларни тадбиқ этишнинг назария ва амалиётдаги ҳолати.....	21
II-БОБ.	ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИГА ЎҚУВ ЛОЙИХАСИ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ – ТЕХНОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ	36
2.1.	Ўқув лойиҳаси тушунчаси, унинг афзалликлари ва имкониятлари.....	36
2.2.	Лойиҳа тури ва унинг асосий белгилари, лойиҳвий таълимга асосланган ўқув машғулотининг технологик чизмаси, ўқитишнинг универсал технологик харитаси, универсал баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари.....	43
2.3.	Дарсдан ташқари вақтларда чақирикқача ўқувчи-ёшларни ижодкорлик қобилиятларини ўқув лойиҳаси усулидан фойдаланиб шакллантириш.....	53
III-БОБ.	ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИДА ЎҚУВ ЛОЙИХАСИ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ	61
3.1.	Тажриба–синов ишларининг қўйилиши ва мазмуни.....	61
3.2.	Тажриба-синов ишлари натижалари.....	63
	Учинчи боб бўйича ҳулосалар.....	72
	Умумий ҳулоса ва тавсиялар.....	73
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	75
	Иловалар.....	78

КИРИШ

Тадқиқотнинг долзарблиги: Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда конун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Мамлакатимизда қабул қилинган ва амалга оширилаётган “Таълим тўғрисида”ги ҳамда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонунларнинг асосий мақсади таълим тизимини такомиллаштириш ва жаҳон андозалари талаблари даражасида ташкил қилишдан иборат бўлиб, бунда амалга оширилиши лозим бўлган асосий йўналишлардан бири ўқувчиларнинг фаоллигини оширишга қаратилган таълим-тарбия ишларини амалга оширишдан иборат.

Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўп жиҳатдан мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилмоқда. Бунда асосий йўналишлар сифатида олий ва ўрта махсус таълим тизимида ўқув, ўқув -услугий ва илмий фаолиятни модернизация қилиш, таълим ва тадқиқот жараёнларидаги инновацион йўналишларни кучайтириш тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Мазкур тадбирлардан кутилаётган асосий мақсад, юқори даражадаги интеллектуал салоҳиятга эга бўлган миллий мутахассис кадрларни тайёрлаш технологияси ҳамда таълимнинг мазмунини янгича босқичга кўтаришдан иборатдир. Педагогик касб бир пайтнинг ўзида ҳам ислоҳатчилик, ҳам бошқарувчилик касби ҳисобланади. Шахс камолотини бошқариш учун эса компетент бўлиши лозим. Шунинг учун ўқитувчини касбий компетентлиги тушунчаси унинг педагогик фаолиятини амалга

оширишга назарий ва амалий тайёргарлиги ҳамда юксак даражадаги маҳоратини ифодалайди. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддасида «Юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга» эканлиги кўрсатилган. Шунга кўра бўлажак ҳарбий ўқитувчиларнинг касбий компетентлиги таркиби педагогик кўникмалар орқали намоён бўлиши мумкин. Касбий тайёргарлик модели умумийдан хусусий кўникмалар йўналишида белгиланиши мақсадга мувофиқ. Маълумотлар ва воқеяликни назарий таҳлил қила олиш кўникмаси билан узвий боғлиқликда педагогик фикрлаш ва амалиёт юрита олиш кўникмаси умумий кўникмалар сирасига киради. Бу ҳар иккала кўникмани сезги, тажриба ва назарий даражаларда рўй берадиган аниқ фикрлашдан мавхумликка ўтиш жараёни асосини ташкил қилувчи кўникмалар бирлаштириб туради. Таҳлилни назария даражасигача етказа олиш кўникмаси — чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик машғулотилари ўқитувчиларига таълим беришнинг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Умуман олганда, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчисининг касбий хусусиятлар талабларига мослиги педагогик кўникмаларнинг педагогик фикрлаш ва амалиёт юритиш билан боғлиқ жиҳатларнинг мослигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1761-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази: таълим жараёнида илғор педагогик услуб ва технологиялари (“case study” услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, “амалий ўйин”, интерфаол таълим услуби ва бошқалар), ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш; чет эл тажрибасини

инобатга олган ҳолда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун янги ўқув режалари ва дастурларини қайтадан ишлаб чиқсиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаб, уларда анъанавий мактаб таълими услубларидан воз кечиб, амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти бўйича соатлар кўпайтирилишини назарда тутилиши педагогик вазифанинг умумийлик даражасига қарамай умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида илмий асосланган тизимини яратиш асосий муаммоларни ижобий ҳал этилишига қаратилгандир. “Чақирикқача бўлган ўқувчи-ёшларнинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришда ўқув лойиҳаси усулининг хусусиятлари” мавзусининг аҳамиятлилиги ҳам айнан шундадир.

Тадқиқотнинг мақсади: Ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг мазмуни, методлари, воситаларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини таъминлаш ва ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва ўрганиш.

янги педагогик технологияларни яратилишида ўқув лойиҳа технологиясининг ўрни ва аҳамиятини ўрганиш.

ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини ошириш ва уни ўқув жараёнига татбиқ этиш имкониятларини ўрганиш.

ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини ошириш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш.

Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси:

Г.Н. Ахунова., Л.В. Голиш. ва Д.М. Файзуллаеваларнинг “Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш” номли ўқув услубий қўлланмасида “Касбий фанларни ўқитишда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш” номли услубий қўлланмасида касбий фанларни ўқитиш жараёнини лойиҳалаш ва режалаштириш, интерфаол таълимни ташкил этишнинг ўзига хосликлари, интерфаол методлар ва график органайзерлар, кейс-стади, ўқув лойиҳаси ва ўқув портфолиоси каби илғор педагогик технологияларга оид назарий материаллар ўз аксини топган.

М.А., Ганиева Д.М. Файзуллаеваларнинг “Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси тўплами”ида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги ўқитишнинг лойиҳавий технологияси бўйича намуналар келтирилган.

А.Сотволдиевнинг “Чақирувга қадар чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ни ташкил этиш ва унинг методикаси” ўқув қўлланмасининг I-II қисмда таълим муассасаларида ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини ташкил этилишининг ҳуқуқий асосларини ва унинг тартиб қоидаларини ҳозирги кун талаблари асосида ёритилган ўқув материалларни, шунингдек, ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги фанини олиб боришнинг асосий шакл ва услубларини, унинг ташкилий асосларини ва таълим муассасаларининг ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги фани бўйича ўқув дастури бўйича машғулотларни олиб бориш учун ҳозирги кун талаблари асосида ишлаб чиқилган услубий ёндашувлар баён этилган.

А.Сотволдиевнинг “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанини касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси”(ўрта махсус, касб-ҳунар таълими чақириқча тайёрлаш ўқитувчилари учун) номли методик қўлланмасида Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқув машғулотларини ўзига хос томонларини ёрутувчи маълумотлар мавжуд бўлиб бунда педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича тавсилар берилган.

А.Сотволдиевнинг “Ҳарбий таълимда кейс стадини адаптациялашнинг айрим масалалари” (ПЕДАГОГИКА илмий -назарий ва методик журнали 2/2017.61-71 бетлар) номли илмий мақоласида ҳарбий таълим жараёнида кейс стадини қўллаш, уни ҳарбий таълим учун мослаштириш ва шу орқали ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш масалалари ёритилган.

Ф.Қ. Муҳаммадиевнинг магистрлик диссертациясида (2014 й) Педагогик олийгоҳлари ҳарбий кафедраларида “Фуқаро муҳофазаси” фани таълимини технологиялаштириш йўллари назарий методологи жиҳатдан асослаб, машғулотларда “Кейс стади” услубини жорий этишга қаратилган педагогик технология, унинг хусусиятлари, интерфаол метод, асосида ўқитиш методикасига доир масалалар баён этилган.

Манбаларни ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишнинг лойиҳавий технологияси бўйича методик тавсиялар мавжуд бўлсада, бироқ, айнан “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанининг ўқув бўлимлари машғулотларини ташкил этиш ва олиб боришда ўқитишнинг лойиҳавий технологияси бўйича методик қўлланма ишлаб чиқилмаган.

Ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишда педагогик технологияларнинг таъсир кучи ниҳоятда катта. Улар таълим жараёнининг муҳим шакллари сифатида ўқувчиларнинг онги, хулқи, ҳатти-ҳаракатларида фаолиятларига таъсир этади ва ўқув жараёнида, дарсдан ташқари тарбиявий жараёнида ўзининг қимматини оширишни ҳам таъминлайди. Бундан келиб чиққан ҳолда магистрлик татқиқот мавзусини “Чақириққача бўлган ўқувчи-ёшларнинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришда ўқув лойиҳаси усулининг хусусиятлари” деб номладик.

Тадқиқот объекти: Ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишга тайёрлаш жараёни.

Тадқиқот предмети: Ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг шакл ва методлари.

Тадқиқотнинг методлари:

Илмий-методик манбаларнинг таҳлили, баҳс мунозара, анкета сўровномалар, савол-жавоб, суҳбат, кузатиш, тест ва педагогик тажрибалар.

Тадқиқот мавзусининг илмий фарази:

Ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини ошириш жараёни муваффақиятли ва самарали бўлади

Агар:

- Ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг асосий шартлари чуқур ўрганилиб, англаб этилса;

- ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини ошириш Қуроллир Кучларимизда олиб борилаётган ислохатлар назарда тутган ҳолда амалга оширилса;

- ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини ошириш илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, унинг ўзига хос омиллари, методлари, воситалари замон талаблари даражасида такомиллаштириб борилса.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти:

- Ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг илмий, назарий асосларини яратиш;
- ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг методикасини ишлаб чиқиш;

- ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг ўзига хос механизмлари яратилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида чақирувга қадар бошланғич тайёргарликнинг амалий машғулотларида ўқитишнинг лойиҳавий технологиясини қўллаш бўйича фан ўқитувчисининг ташкилий ва услубий жиҳатдан имкониятлари такомиллашади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

-Ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини ошириш омилларига оид билимларини ахборот технологиялари асосида ривожлантиришнинг назарий асосларини аниқланди;

-ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишда таълим бериш йўллари такомиллаштирилди ва унга мос мезонлар аниқлаштирилди.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи:

Илмий методик манбаларни таҳлил қилиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида чақирувга қадар бошланғич тайёргарликнинг амалий машғулотларида ўқитишнинг лойиҳавий технологиясидан фойдаланиш усуллари ишлаб чиқилади.

Тадқиқотнинг структуравий тузилиши:

Магистрлик диссертацияси кириш, 3 боб, 6 параграф, умумий хулосалар, иловалар ва адабиётлар рўйхати билан биргаликда 81 бетдан иборат.

I-БОБ. ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИГА ИЛҒОР ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик жараёнига илғор педагогик технологияларни тадбиқ этишнинг концептуал асослари

Мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шарти кадрларни тайёрлаш тизимининг мукамал бўлиши, замонавий иқтисод, фан, маданият, техника ва технологиялар асосида ривожланиши ҳисобланади.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» узлуксиз таълим ва кадрларни тайёрлаш тизимларини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган.

«Миллий дастурни» амалга оширишда мавжуд таълим ва кадрларни тайёрлаш тизимларини тубдан ўзгартириш замонавий илмий фикрлар ютуқлари ва ижтимоий тажрибаларга, таълим жараёнини ҳамма босқичларида, узлуксиз таълим тизими таълим муассасаларининг ҳамма шакли ва турларида илғор-методик таълимларга таянган ҳолда амалга оширилади.

Ҳозирги замонавий босқичда педагогик долзарб вазифаларга фан, техника, илғор технологиялар ютуқларидан фойдаланиш асосида шахсни тарбиялаш, ўқитиш ва ривожлантириш мақсадлари, мазмуни, методлари, воситалари ва ташкилий шакллари илмий таъминлаш киради. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати узлуксиз таълим тизимини орқали ҳар томонлама ривожланган шахс—фуқаронинг ташкил топишни кўзда тутди. У ушбу таълим тизимида ва кадрлар тайёрлашда таълим хизматларининг истъе-молчиси, буюртмачиси сифатида ва худди шундай ишлаб чиқарувчи сифатида иштирок этади.

Шахс таълим жараёнининг ишлаб чиқарувчиси сифатида таълим, моддий ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизматлар соҳаси фаолиятида билиш ва тажрибаларни беришда иштирок этади. Республикамизда шахсга

Ўзининг ижодий имкониятларини амалга ошириш учун профессионал таълим дастурини танлаш ҳуқуқини берган.

Узлуксиз таълим тизимида таълим муассасаси алоҳида ўрин эгаллайди. Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими асосида узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлаш тайёрлаш Миллий дастури» қонунларига биноан амалга оширилади.

«Кадрлаш тайёрлаш Миллий дастури»да таълим муассасасининг асосий вазифалари белгилаб берилган. Таълим муассасаларининг энг муҳим вазифаларидан бири замонавий ўқув дастурлари асосида юқори натижали ўқитиш ва малакали кадрлар тайёрлашни таъминлаш ҳисобланади. Таълим муассасаларини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичи таълим муассасаси ўқитувчисининг вазифасини ҳам ўзгартиради.

Таълим муассаси ўқитувчисининг фаолияти шахснинг ўқув жараёнида таълим олиши, талаб ва қобилиятларининг шаклланиши учун шароитлар яратиб беришга йўналтирилган бўлиши керак.

Таълим муассасининг ҳар бир ўқитувчиси малакасининг икки қирраси бор: улар икки фанлар билан ёритилади – махсус ва педагогик. Таълим муассасаси ўқитувчисига ҳар доим нима учун ўқитиш керак? нималарни ўқитиш керак? қандай ўқитиш керак? каби саволларга жавоб излашга тўғри келади.

Бу масалаларнинг тўғри ечимларини топиш керак. Бундай ечимлар педагогик фаннинг асосий қонунлари ва қоидаларини билиш, ўқувчиларнинг хусусиятларига қараб, уларни тушунтиришга асосланган бўлиши керак.

Чуқур ижтимоий ўзгаришлар ҳозирги пайтда педагогик концепцияларни қайта кўриб чиқишни, инсонга, шахсга, индивидга педагогика фанини фаол ривожлантиришни талаб этади. Педагогиканинг янги принципларида ташкил топиши, муҳим муаммоси педагогик жараёнинг мезонлари назариясини ишлаб чиқиш ҳисобланади, у ўқитувчининг мутахассислиги асосини ташкил этиши керак.

Ўқитувчи мутахассислиги бўйича унинг илмий билимларидан қатъий назар, ўқув жараёнига киришар экан, керакли педагогик минимумга, педагогик ва психологик билимлар миқдорига, дарс бериш методикасини ва технологиясини эгаллаган бўлиши керак.

Шулардан келиб чиқиб, таълим муассасалари ўқитувчиларини тайёрлашда асосий масалалар белгиланади:

Ўқув жараёни самаралилигини таъминловчи педагогик малакани шакллантириш.

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни англаб етишга қаратилган янги про-фессинал фикрлашни юзага келтириш.

Педагогик билимлар тизимини ўқитувчининг фаолияти методологик асоси сифатида эгаллаб олиши.

Ўқитиш технологияси ўқувчилар профессионал фаолиятига энг яқин методлар сифатида ўзлаштириш.¹

Илмий-техник тараққиёт нафақат аксарият ишлаб чиқариш соҳасинигина технологиялаштиради, балки у маданият, таълим соҳаларига

¹ Н.Н. Азизходжаева. Ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда Педагогик технологиялар. © Низомий номидаги ТДПУ, 2007.

ҳам кириб бормокда. Бугунги кунда информацион ахборот тиббиёт, таълим ва бошқа технологиялар тўғрисида фикр юритиш мумкин.

Технологизациялаш - бу объектив жараён бўлиб, таълим эволюциясининг янги вазифаларини сифатли ҳал қилиш учун тайёргарлик даври.

Тарихан «технология» тушунчаси «техник тараққиёт билан боғлиқ равишда юзага келган ва бу тушунча санъат, ҳунар ва фан» ҳақидаги таълимотга мувофиқ келади.

«Технология» деганда, одатда «ашёларни қайта ишлаш методлари ва ишлаб чиқариш жараёни» ҳамда «уларнинг илмий тавсифларининг мажмуи» тушунилади. Сиёсий луғат (М., 1989) да «технология»га шундай изох берилади: 1) *ишлаб чиқариш жараёнида ашёлар, материаллар, ярим тайёр ашёларни қайта ишлаш, тайёрлаш ҳолати, ҳусусияти, шаклининг ўзгариш методлари йиғиндиси*; 2) *ашёлар, материаллар ва ярим хом ашёларга мувофиқ ишлаб чиқариш қуроллари орқали таъсир ўтказиш усуллари тўғрисидаги фан*».

«Қомусий луғат»да шунга яқин изох берилади, лекин уни бирмунча кенгроқ ёритади: «*Фан сифатида технологиянинг вазифаси ҳар томонлама самарали ва тежамли ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ва амалиётда ундан фойдаланиш мақсадида физика, кимё, механика ва бошқа қонуниятларини бажариш*» (М., 1979).

«Технология» юнонча сўз бўлиб, «технос» - «санъат, маҳорат», «логос» - «таълимот» деган маъноларни билдиради.

Педагогик технология педагогнинг талабаларга таъсир қилишни ташкил этиш бўйича касбий аҳамиятга молик малакалар тизимини аниқлаб беради, педагогик фаолиятнинг технологиклигини англаш усулларини таклиф этади.

Ҳозирги давр таълим технологиялари муаммоси, педагогик инновация тажрибалари уларни бир тизимга тушириш ва аниқлаштиришни талаб қилади. Олий мактаб олдида педагогик технологияларнинг илмий асослари,

уларнинг таснифи, моҳиятини очиб бериш ва ўқув жараёнининг технологиклиги муаммоларини таъминлаш масаласи турибди.

Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда *педагогик технология* тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмдан мустақкам ўрин эгаллади, лекин уни педагогиканинг мукаммал луғатлари «тезаурус»даги ўрни ҳали номаълумлигича бўлмай қолмоқда.

Педагогик технология тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида турли қарашлар мавжуд бўлган: у техник воситалар ҳақидаги таълимот деб ҳамда ўқитиш жараёнини лойиҳалаштирилган ҳолда изчил ва мунтазам ташкил этиш деб талқин қилинган. Ҳозир педагогик технологияларнинг бир қанча таърифлари мавжуд.

В.П. Беспалько педагогик технологияни *амалиётга татбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси* сифатида белгилайди. У педагогик тизим технологиялар ишлаб чиқиш учун асос бўлади, деб ҳисоблайди. Бунда асосий диққат ўқув-педагогик жараёни олдиндан лойиҳалашга қаратилади, дидактик вазифа ва ўқитиш технологиялари тушунчасидан фойдаланилади. Шу тариқа В.П. Беспалько ўқув жараёнини лойиҳалаш ғоясини илгари суради, афсуски, педагогик технология ва лойиҳа тушунчалари ҳақида аниқлик йўқ.

Педагогик технология таълим жараёнига жадаллик билан кириб бораётган бўлса ҳам, унинг мақоми ноаниқлигича қолиб кетмоқда. Тадқиқотчиларнинг ишларида фан ва амалиёт оралиғидан ўрин эгалламоқда.

Н.Ф. Талызина ҳар бир педагог реал педагогик жараёни ташкил этишдан олдин *Ўқув жараёни ҳақида технологик даражада билимлар тизимини билиб олган бўлиши шарт* деб ҳисоблайди. У, фан ва амалиёт оралиғида тамойилларни олға сурувчи, методлар ишлаб чиқувчи, уларни изчил қўллаш каби масалалар билан шуғулланувчи алоҳида фан бўлиши керак, деб ҳисоблайди, уларсиз педагогик жараён асосланмай қолади, технология реал ўқитиш жараёни сифатида.

Айрим муаллифлар ўқитиш технологияларига *фан ва санъат оралигидаги фан* деб қарайдилар, бошқалари уни лойиҳалаш билан боғлайдилар.

Шундай қилиб, бир ёндашувда ўқитиш технологиялари ўқитишнинг барча воситаларини қамраб олган қандайдир жиҳозлаш сифатида ҳам белгиланади. Унда технология ўқув *жараёнини техниклаштиришни* тақозо қилади.

Бошқа ёндашувда технологияга таълим амалиётини янги ёки замонавийлаштирилган билимлар билан таъминлашнинг усули сифатида қарашга имконият беради. Бунда технологияга таълимнинг илмий тамойиллари ва амалиётини татбиқ этиш сифатида қаралади.

Технология тушунчаси 60-йиллардаги Америка ва Ғарбий Европада таълимни ислоҳ қилиниши билан боғлиқ равишда кириб келди. *Б. Блум, Ж. Кэрролл, П.Я. Гальперин, В.И. Давыдов, Н.А. Менчинская, З.И. Калмыкова, Л.И. Занков технологиялари машҳур. Ўқитишни ташкил қилишнинг технологик ёндашувлари В.П. Беспалько, Н.Ф. Талызина, Л.М. Фридман, Ю.Н. Кулюткина, Г.С. Сухобской, Т.В. Кудрявцев, А.М. Матюшкин, М.И. Махмутов* каби аксарият психолог ва дидактикачиларга тааллуқлидир.

Т.А. Балло технологиянинг бир томонини, яъни ўқитишда топшириқли ёндашувни ёритади. Бошқаларида ё компьютер орқали дастурлаштирилган ўқитиш ёки ўқитишнинг муаммоли тузилмаси ажралиб туради.

Л.В. Занков, Т.Я. Гальперин, В.И. Давыдов тадқиқотларида босқичли ўқитишнинг яхлит технологиялари ҳақида фикр юритилади.

Педагогик технология ўзига хос ва потенциал яратиладиган педагогик натижаларга эришиш учун педагогик тизимнинг барча ташкилий томонларига алоқадор назарий ва амалий - таълим тизими доирасида - тадқиқотлар соҳаси сифатида белгиланади.

Педагогик технология моҳиятини ёритиш учун педагог-дидактикачилар томонидан берилган *таърифларга* тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топамиз:

«Педагогик технология – психологик ва педагогик ўғитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айтилган замонда у педагогик жараёнинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради» (Б. Лихачев).

«Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси» (В.П. Беспалько).

«Педагогик технология – режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи» (И.П. Волков).

«Технология – ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йиғиндиси» (В.М. Шепель).

«Педагогик технология – талаба ва ўқитувчининг уларга зарур шароит яратиш орқали ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича улар педагогик фаолиятининг ҳар томонлама ўйланган моделидир» (В.М. Монахов).

«Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир» (ЮНЕСКО).

«Педагогик технология – педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йиғиндиси ва тартибини билдиради» (М.В.Кларин).

«Педагогик технология – ўзида турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазмуний умумлашма ҳисобланади». (Г.К. Селевко).

Бу таърифлар таҳлилидан педагогик технология натижани қўлга кириштириш учун таълим доирасида зарур бўлган воситалар тизимини режалаштириш ва татбиқ этиш деган хулосага келиш мумкин.

Таълим технологияси деганда таълимнинг белгиланган мақсади ва талабанинг билим даражасига кўра ўқув фаолиятини бошқаришнинг назарий лойиҳаси ва педагогик тизимнинг амалда бўлишини таъминловчи зарур воситалар тизими тушунилади.

Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технология бирор назария ва мақсад асосида ишлаб чиқилади. Педагогик тизимнинг амалда бўлиши, унинг мосланувчанлиги ҳамда талабанинг шахсий хусусиятлари, уларнинг технологик ва индивидуал меъёрлари билан боғланган. Бунда ушбу технологияларнинг мослашувчанлиги, уларнинг вариативлиги, талаба ҳатти-ҳаракатларининг босқичлилиги муҳим аҳамият касб этади.

Ўқитиш технологияси сатҳида ўқув жараёнининг барча *компонентлари* ёритилади.

Шахсга йўналтирилган технология асосида талабаларнинг интеллектуал ва эмоционал-мотивацион ривожланиши, билим ва касбий малакалар шаклланиши, таълим жараёнига қадрият сифатида ёндашиш муносабатини таъминлаш, фаолликни ошириш, ўз-ўзини англаш ва мустақиллигини шакллантириш ётади.

Бу тадқиқотларни таҳлил қилган ҳолда ушбу *таърифни* бериш мумкин:

Педагогик технология таълим мақсадларига эришиш ва шахснинг ривожланишига қаратилган педагогик фаолиятни муттасил равишда ривожлантириш тизими *лойиҳасидир*.

Таълим муассасасини ислоҳ қилиш бу масалаларга илмий асосланган нуқтаи назардан ёндашишга мажбур этади. Ҳар қандай лойиҳалаш, ўқитишнинг илмий асосланган воситалари бўлгани ҳолда унинг технологиклиги ҳисобланмайди. Лойиҳалаш *методологик функция* бажаради. У талабанинг психик ривожланиш қонуниятлари, ўқув жараёнининг ривожланиш хусусиятлари ва педагогик бошқарув усуллариининг тадқиқот воситаси сифатида майдонга чиқади.

Таълим муассасасида таълимни *такомиллаштириш мақсадида* педагогик мулоқотнинг янги шакллари, ахборотларнинг таркибий

қисмларини қайта ишлаб чиқиш, ўқув фаолиятини бошқаришнинг янги шакллари талаб қилинади.

Технологик тараққиёт бугунги кунда ижтимоий жараёнларни кузатиб боришга қодир энг муҳим компонентлардан биридир. Педагогик таълим технологиясини яхшилаш жамият маданий савиясини ва унинг иқтисодий қудратини шакллантириш шартидир.

Ўқитиш технологияси таълимнинг фаолиятини таъминлайди, билимларни меҳнат жараёнига татбиқ этишни таъминлайди, педагогнинг онглилигини қолипга туширади, унинг жадал ҳаракат қилишига ва ҳаёт йўлига таъсир кўрсатади.

Касбий ўқитиш технологияси шахсни интизом, ирода ва ихтисосликка бўлган қизиқишни юзага келтиради. Мутахассисга бўлган ҳар томонлама талабни қаноатлантиришга қаратилган таълим технологиялари педагог ва талабанинг ҳамкорлигига тезликда мосланган психологик-педагогик шарт-шароитларни амалга оширишга йўналтиради.

Мутахассисларни касбий тайёрлаш технологик тамойили бўлажак касбига қаратилган мақсадлар, мазмун функциялари, ўқитиш методларидир. Шундан келиб чиққан ҳолда *педагогик технологиялар* ишлаб чиқилади.

Педагогик технологиялар таърифларига бўлган турли ёндашувлар шуни кўрсатадики, ҳақиқатдан ҳам ўқитиш технологиялари фан ва ишлаб чиқариш ҳамда ўқув-педагогик жараён оралиғидан ўрин олади. Бу касбий дидактик тайёргарлик тизимидаги билимларнинг мустақил соҳаси бўлиб, у ўқитишнинг дидактика назарияси ва амалиёти билан чамбарчас боғланган. У ўқув фаолиятини бошқариш жараёнини лойиҳалаш ва конструкциялаш функцияларини ўзида қамраб олади.

Ўқитиш технологияси таркибига ўқув жараёнини бошқаришнинг аниқ усуллари, бошқариш ва ўқитишнинг айни истиқболли тадбирлари ҳақидаги ҳам назарий, ҳам амалий билимлар киритилади. Ўқув жараёнининг бориши шароитларига мос равишда уларнинг изчиллиги белгиланади.

Ўқитиш технологияси, ўқитиш назарияси, ўқитиш техникаси. Улар ўқув фаолиятини бошқариш ҳақидаги педагогик соҳалардир, улар умумлаштирилган даражасига кўра амалга оширилади.

Педагогик технология таълим истиқболининг жараёнлаштирилган аспектидир.

Ўқитиш технологиясини белгилаш – бу касбий фаолият соҳасидаги таълимий ва такомиллаштиш самарасини таъминловчи ўқув жараёнини меъёрий бошқариб туришдир.

Илмий адабиётларда педагогик технологиянинг *уч аспекти* тўғрисида фикр юритилади:

- *илмий аспектда* ўқитишнинг мақсади, мазмуни ва методлари илмий асосланади, педагогик жараён лойиҳалаштирилади.
- *тавсифий аспектда* режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришишнинг мақсади, мазмуни, методлари ва воситаларининг иштироки асосида алгоритм жараёни ишлаб чиқилади.
- *амалий аспектда* педагогик технология жараёни амалга оширилади.

Таълим амалиётига нисбатан педагогик технологиянинг *уч сатҳи* белгиланади:

- *умумпедагогик* технология яхлит таълим жараёнини ифода қилади.
- *хусусий методик* технология бир фан доирасидаги ўқув -тарбия жараёнини амалга ошириш методлари ва воситаларидан иборат бўлади.
- *локал ёки модул* технология ўқув тарбия жараёнининг махсус бўлимларига технологияни татбиқ қилишни ифода қилади. Бу технология хусусий дидактик ва тарбиявий вазифаларни ҳал қилишга қаратилади.

Педагогикада *ўқитиш* технологиялари билан бирга *таълимий технологиялар* ҳам ўрин олган. Таълимий технологиялар *мазмун-ахборот аспекти* билдирса, ўқитиш технологияси *жараёнга алоқадор* деб ҳисобланади, яъни улар орасида ҳали ҳам аниқ фарклар белгиланмаган.

Педагогик технология талабаларнинг тайёргарлик даражасига, уларнинг ахборотлар билан танишгашшк ва амалий тайёргарлигига мосланган бўлиши лозим.

Касбий таълим тизимида ўқитиш технологиялари *фундаментал ва амалий* билимларнинг ўзлаштирилишини, ҳаракатларнинг рефлексивлигани акс эттиради ва ўз касбий фаолиятини шакллантиради.

Педагогик технология ўқитувчи ва талаба фаолияти билан белгиланади. Фаолиятнинг бундай турларига кўра *педагогик технологиянинг тузилмаси* аниқланади: *концептуал асос, таълим жараёни мазмуни, технологик жараёндан* иборат бўлади.

Ҳар бир педагогик технология муайян *илмий концепцияга* асосланади. Педагогик технологиянинг илмий концепцияси таълим мақсадларига эришишнинг фалсафий, психологик, ижтимоий-педагогик ва дидактик асослашларни қамраб олади.

Таълим жараёни мазмуни таълим жараёнининг умумий ва аниқ мақсадлари, ўқув материали мазмунидан иборат бўлади.

Технологик жараён ўқув жараёнини ташкил этиш, ўқитувчи фаолияти, талаба фаолияти, ўқув жараёнини бошқариш усуллари, ўқув жараёни диагностикасини қамраб олади.

Тадқиқотчилар ҳар қандай педагогик технологияларни қаноатлантирадиган *мезонларни* белгилайдилар:

изчиллик педагогик технологиянинг мезони сифатида жараённинг мантиқийлиги, педагогик технологиянинг барча қисмларининг ўзаро боғликлиги, яхлитлигани ўз ичига олади.

педагогик технологиянинг мезонларидан бири *бошқарувга* асосланганлигидир. У ўқув жараёни диагностикаси, уни режалаштириш ва амалга оширишни лойиҳалаш, ундаги ўқитиш методлари ва воситалари билан ўзгартириб туришдан иборат бўлади.

педагогик технологиянинг *самарадорлик* мезони таълим жараёнининг конкрет шароитларида олинадиган юксак натижаларни кўзда тутди.

қайта тиклаш педагогик технологиялар мезонларидан биридир. Унда педагогик технологияларни бошқа таълим муассасаларида қўллаш имконияти тушунилади.

Шундай қилиб, олий мактабда мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги мураккаб ва доимий ҳаракатдаги тизимни ташкил этади. Бу тизимда бўлғуси ўқитувчининг технологик тайёргарлиги алоҳида ўрин тутади. У бўлғуси педагогнинг интеллектуал ривожланиши, фаол ўқиши, ижодий шахснинг ривожланиши, тафаккурнинг касбий йўналганлигани идрок қилиш, ўқув-билиш фаолиятини ташкил этишда тадқиқий (илмий) тамойилларни амалга ошириш билан боғланган. Бўлғуси педагогнинг технологик тайёргарлиги таълим муассасаси педагогик технологияларни амалга оширишни талаб қилади.

Таълим жараёнида *фойдаланиладиган ва кенг тарқалган педагогик технологиялар:*

муаммоли ўқитиш;

- *ўйинли технологиялар;*
- *танқидий фикрлашни ривожлантирувчи технологиялар;*
- *ўқитишнинг табақалаштирилган ва индивидуал технологияси;*
- *программалаштирилган ўқитиш технологияси;*
- *компьютер ахборот технологияси.*

1.2. Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик жараёнига илғор педагогик технологияларни тадбиқ этишнинг назария ва амалиётдаги ҳолати.

Кадрлар тайёрлашга ижтимоий буюртма, мутахассиснинг шахсий ва касбий сифатлари ҳамда амалий касбий компетентлигини таъминлашнинг таркиби ва мазмунини таҳлил қилган ҳолда замонавий педагогни шакллантиришга қўйиладиган талаблар ҳамда ушбу талаблар тузилмасини акс эттирувчи модел ишлаб чиқилди. Бунда биз педагог шахсини амалий касбий компетентликка эга, юксак даражада маданиятли, ёндаш фанлар соҳаларини таҳлил эта оладиган, тарбиялаш ва ўқитиш методларини пухта эгаллаган ва мутахассислиги бўйича амалий фаолият юрита оладиган, махсус тайёргарликка эга бўлган мутахассис сифатида тавсифладик.

Замонавий педагог шахси модели таълим тизимини модернизатсиялаш ва тараққий эттириш борасида юзага келадиган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминловчи, маълум сифатларни таърифловчи ҳамда мутахассиснинг ўз-ўзини ривожлантириб боришини акс эттирувчи тамойилларни белгилашга хизмат қилади.²

Педагог шахсига қўйиладиган талаблар асосида унинг моделини ишлаб чиқишда олий таълимнинг Давлат таълим стандартларида белгилаб берилган қуйидаги ҳолатлар асос учун қабул қилинди³:

- **педагогнинг фаолият соҳалари:** таълим; бошқарув.
- **педагогнинг фаолият турлари:** ўқув; методик; тарбиявий; ташкилий; илмий (раҳбарлик); кадрлар билан ишлаш; тадбиркорлик; экспертлик ва бошқалар.
- **педагог фаолият юритувчи муассасалар:** мактагача таълим; умумий ўрта таълим; ўрта махсус, касб-хунар таълими; олий таълим; олий

²Аминов А.Х. Умумий ўрта таълим педагог ходимлари малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг назарий-амалий масалалари: Пед.фан.номз. ... дисс.- Т.: 2004.-156-бет.

³Мусурмонова.О. Юқори синф ўқувчиларини маънавий маданияти шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.- Т.:1993.-289 б

таълимдан кейинги таълим; мактабдан ташқари таълим; таълимни бошқариш органлари.

Педагог шахсига қўйиладиган талаблар мазмуни асосланди ва уларнинг ҳар бирига тавсиф берилди.

Педагог кадрларга қўйиладиган ижтимоий буюртма Давлат ва жамият ривожининг ҳар бир босқичи шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий, иқтисодий, илмий-техникавий, маънавий-маърифий ва маданий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда таълим тизими олдига муайян ижтимоий буюртмаларни қўяди.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳар томонлама камол топган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаган ва пухта ўзлаштирган, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик билимларга эга, жамият, давлат ва оила олдигаги ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялаш билан боғлиқ ижтимоий буюртмалар белгилаб берилган⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва асарларида жамиятимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий, маънавий-маърифий ўзгаришлар, ҳуқуқий-демократик жамият қуриш тамойиллари ўз аксини топган. Жумладан, “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” номли рисолада таълим тизими олдига қуйидаги буюртмалар қўйилган:

- ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ва усуллари ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- янги педагогик ва ахборот технологиялари, тайёргарликнинг модуль тизимидан фойдаланган ҳолда ўқитиш самарадорлигини ошириш;
- халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида таълимнинг инсонпарварлик йўналишини таъминлаш;

⁴ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа контсерни, 1997. 20-бет

- ўқув-услубий мажмуаларнинг ҳамда таълим жараёни дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- ўқув жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлашни амалга ошириш;
- миллий мустақиллик принтсиплари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий қадриятлар устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида ёшларнинг маънавий ва ахлоқий сифатларини ривожлантириш;
- ёшлар онги ва қалбига миллий ғоя ва мафкурани сингдириш, таълим муассасаларида мафкуравий тарбияни бугунги кун даражасига кўтариш;
- таълим беришнинг барча даражаларида таълим олувчиларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, экологик ва санитария-гигиеник таълими ҳамда тарбиясини такомиллаштириш;
- юқори малакали педагогик кадрлар тайёрлаш, таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаш, педагогларнинг касбий нуфузини ошириш, таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳитни вужудга келтириш;
- педагог кадрларнинг мафкура борасидаги билимларини чуқурлаштириш.

Жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий ва маданий ўзгаришлар эволюцион тарзда таълим тизимининг янги мазмун касб этишини таъминлади, илғор ғояларни ўзида намоён этувчи таълимий қадриятлар шаклланди. Умуминсоний, маънавий-ахлоқий, касбий аҳамиятли қадриятлар педагог шахсини тарбиялашга хизмат қилиши, унинг кадр-қимматини ошириши, шахс омилининг таълим-тарбия жараёнларининг етакчи субъекти ва объекти сифатида тан олиншини таъминлаши, унда ижодий фикрлаш, шунингдек, ижтимоий фаоллик кўникмаларини шакллантиришга ёрдам бериши билан аҳамиятлидир. Бинобарин, баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб вояга етказишга бўлган эҳтиёж ривожланаётган

ҳамда янгича ижтимоий муносабатлар қарор топаётган мавжуд шароитда янада долзарб хусусият касб этади.

Давлат таълим стандарти таълимнинг зарур, етарли даражада ҳамда ўқув юкламалар ҳажмига қўйиладиган асосий давлат талаблари ҳамда кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолашни белгилаб берувчи мезон бўлиб, у “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва асарларида белгилаб берилган вазифалар ҳамда педагог шахсини шакллантиришда умуминсоний, маънавий-ахлоқий, касбий аҳамиятли қадриятларни ўзида мужассамлаштиради. Шунингдек, давлат таълим стандартларида касбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш, бўлажак мутахассислар касбий шаклланиш жараёнининг субъекти сифатида иштирок этишининг педагогик шарт-шароитлари, механизм, метод ва технологиялари белгилаб берилган.

«Педагогик технологиялар»га оид адабиётда ушбу иборага унинг айнан қандай муҳитда қўлланилаётганлигига қараб таъриф бериш анъанаси ҳукм суради:

- фан сифатида – «ўқитиш мақсадларини, мазмунини ва методларини ўрганиш ва ишлаб чиқиш ҳамда педагогик жараёнларни лойиҳалаш билан шуғулланувчи педагогика фанининг қисми»;
- педагогик жараён тафсилотини баён этишда – «ўқитишнинг кўзланган мақсадларига эришишнинг жараёнини, мақсадлари мажмуаси, мазмуни, методлари ва воситаларини қўллаш алгоритминини тузиш»;
- педагогик жараённи бевоста жорий этишда – «жамики шахсий, ускунавий ва методологик воситаларни жалб этган ҳолда педагогик жараённи амалга ошириш».

Шу ўринда ўзбек педагог олимлари томонидан таклиф этилган таърифдаги педагогик технологияларга хос *«таълим олувчи шахсига*

йўналтирилган» ва «демократик» сифатлари устида қисқача тўхтаб ўтиш жоиздир.

Шахсга йўналтирилган педагогик технологияларда таҳсил оловчи шахси таълим жараёни марказига қўйилади, унинг ривожланишига ва табиий имкониятларини рўёбга чиқаришга қулай шарт-шароитлар яратилади.

Маълумки, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўрсатилганидаек, Ўзбекистон Республикаси таълим тизими модели беш таркибий қисмдан иборат:

шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш. Бу ерда таълим тизими миллий моделининг асосий таркибий қисми сифатида **«шахс»** биринчи ўринда туради. Бошқача қилиб айтганда бутун таълим тизими, шу жумладан бутун педагогик жараён ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологиялари асосида амалга оширилиши лозим.

Шахсга янгича қараш, анъаналардагидек ўқитувчи шахсининг яқкаю ягона субъектлигидан фарқли равишда, қуйидагилардан иборат:

- таълим жараёнида шахс объект эмас, субъект ҳисобланади;
- ҳар бир таҳсил оловчи қобилият эгаси, кўпчилик эса истеъдод эгаси ҳисобланади;
- юксак этик қадриятлар (олийжаноблик, бағри кенглик, меҳрибонлик, самимийлик, меҳнатсеварлик, виждонлилик ва бошқалар) шахснинг устувор фазилатлари ҳисобланади.

Шахсга йўналтирилган педагогик технологиялар айрим нозик жиҳатларига қараб яна қуйидагидек номлар остида ҳам юритилади: **инсонпарвар-шахспарвар технологиялар** (психотерапевтик моҳиятга урғу берилади), **хамкорлик технологиялари** (ўқитувчи ва ўқувчиларнинг теппа-тенг ҳуқуқлар эгалари эканликларига урғу берилади), **эркин тарбия технологиялари** (ўқувчининг табиий ривожланиши йўлида унга кенг эркинлик берилади), **эзотерик технологиялар** (бундай технологияларда педагогик жараён Ҳақиқат ҳақида маълумот бериш ёки Ҳақиқат билан

мулоқотда бўлиш деб эмас, балки Ҳақиқат ичига ғарқ бўлиш деб тушунилади. Масалан, ўрта асрларда Шарқда суфийлик мактабларида айнан шу технологиядан фойдаланилган. Бу ерда билим сезиш аъзолари воситасида эмас, балки ботиний онг воситасида ҳосил қилинади. Ҳозирги кунда ғарб мам-лакатларида суфийлик тажрибасини ўзлаштиришга қизиқиш ниҳоятда авж олган. Айрим манбаларнинг шохидлик беришича, бугунги кунда дунёда суфийлик мактаблари таҳсилини олганларнинг сони 50 000 000 зиёддир).

Педагогик технологияларни демократлаштириш ўз ичига қуйидагиларни олади:

- таҳсил олувчи ва таълим берувчи ҳуқуқларини тенглаштириш;
- таҳсил олувчининг эркин танлаб олиш ҳуқуқи;
- хатога йўл қўйиш ҳуқуқи;
- ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи;
- таҳсил олувчи ва таълим берувчи муносабати зайли: таъқиқламас-лик; ёлғиз ҳолда эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буюриш эмас, ташкил этиш; чегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш.

Таълим-тарбия тизимларидаги янги муносабатларнинг асосий мазмуни, ҳозирги замон шароитида самарали натижа бермай қўйган ва ноинсоний ҳисобланувчи зўравонлик педагогикасидан батамом воз кечишликдир.

Жумладан, ўқитиш технологияси педагогик технологияга яқин тушунча бўлсада, айнан ўхшаш маънони англатмайди. Чунки у маълум предмет, мавзу ва саволлар доирасидаги аниқ ўқув материалнинг ўзлаштириш йўлини муайян технология асосида ифода этади. Бошқача изоҳлаганда хусусий методика билан бир жинслидир.

Ҳозирги кунда ўқитувчилар кўп ҳолларда методикани педагогик технологиясидан ажрата олмаётганлиги сабабли маълум ноаниқликлар пайдо бўлмоқда. Шу боисдан бу тушунчаларни аниқлаштириш керак бўлди.

Методика ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуасидан иборат.

Педагогик технология эса ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи ва таълимда яқуний натижани кафолатлайдиган омиллар йиғиндисидир.

Рус олимаси Н.Ф.Тализина технологияни "белгиланган ўқув мақсадига эришишнинг оқилона усуллари аниқлашдан иборат" деб тушунтиради [21].

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, педагогик технология белгиланган мақсад ва мазмун асосида ўқув жараёнини лойиҳалаш сифатида талқин этилган. Бу бир жиҳатдан тўғри, лекин моҳият жиҳатидан бир ёқлама ёндашув, яъни ўқувчи шахси инкор қилинмоқда. Бу камчиликни биринчи бўлиб пайкаган академик В.П.Беспалко - "педагогик технология бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёнининг лойиҳасидир" деб таърифлайди [19]. Бу таъриф мазмунидан қуйидаги муҳим омилларни кўрсатиш мумкин:

- педагогик технологиянинг асосий моҳияти ва кафолатланиш даражаси лойиҳалаётган кишининг маҳорати ва иқтидорига боғлиқ;
- лойиҳаланган педагогик технология ўқувчи (талаба) лардан маълум ижтимоий тажриба элементларини шакллантириш учун хизмат қилади;
- лойиҳаланган тайёр педагогик технологияни амалга ошириш мутахассис бўлмаган шахс учун ҳам катта қийинчилик туғдирмайди;
- фан (мавзу)нинг асосий мазмуни тўғри ва оқилона тарзда лойиҳаланган педагогик технологияни амалга ошириш ўқитувчи (назоратчи) дан катта маҳорат талаб қилинмайди.

Мамлакатимизда мутахассисларнинг илмий салоҳияти ва имкониятлари етарли эканлигини ҳисобга олсак "янги" ча бир тарзда амалга ошириш заруриятини беради. Шу маънода назария ва амалиёт бирлигининг таъминланишини педагогик технологиянинг асл моҳиятини аниқлашга имкон беради.

Янги педагогик технология педагогика фанининг алоҳида тармоғи сифатида тизим деб эмас, балки назарий ва амалий изланишларни бирлаштирувчи тизим деб қараш мақсадга мувофиқдир.

Педагогик тизим қуйидаги икки тушунчани қамраб олади: дидактик масалалар ва уларни амалга оширишнинг педагогик технологиялари. Дидактик масалалар педагогик тизим доирасида инсон фаолиятининг муҳим соҳаси сифатида аниқ ва унга эришиш учун шарт-шароитлар ҳамда бу фаолият учун ахборотлар бўлиши керак.

Ҳар бир дидактик масала педагогик тизимда ўзига мос келадиган педагогик технология элементлари билан ҳал қилинади, улар: дидактик жараён, ўқитишнинг ташкилий шакллари, ҳамда ўқитишнинг техник воситалари(ЎТВ).

Янги педагогик технологиянинг асосий моҳияти ўқитувчи ва ўқувчи(талаба) ларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва узвий равишда фаоллик кўрсатишидадир. Чунки агар дарсда ўқитувчи бош фигура бўлиб қолса ўқувчилар маъсулияти ва жавобгарлик ҳисси сусаяди. Демак, улар мустақил фикр юритиш, мушоҳада қилиш, хулоса чиқаришдан йироқда бўлади.

Педагогик технология ни ўқув жараёнида қўллаш ўқитувчидан ўқувчиларда ташаббускорлик ва мустақилликни, билимларни пухта ўзлаштиришни зарур малака ва кўникмаларни, уларни кузатувчанлик, тафаккур ва мантикий нутқни, хотира ва ижодий тасаввурни тарбиялашга имкон беради.

Ҳарбий таълим дарсларида ҳам бошқа фанлардаги каби янги педагогик технология асосида таълим беришнинг асосий муаммоси моҳир педагоглардан ўқувчи шахсини ривожлантириш, шакллантириш йўли билан ўқитишга қўйилган мақсадга эришишдан иборат.

Педагогик технологияда кўпинча қуйидаги методлар қўлланилади:

1. Изоҳли - иллюстратсия материалларидан фойдаланган ҳолда дарс жараёни ташкил этилади.

2. Репродуктив - тафаккур фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган ҳолдаги таълим жараёни- бунда дарсни баён қилиш жараёни алгоритмик характерда бўлади.

3. Продуктив - бу метод унумли даража ҳам деб аталади. Бунда олдин эгалланган билимлар асосида ўзлаштирилиши лозим бўлган эвристик фаолият вужудга келади.

4. Ижодий даража - бу фаолият баҳолашга тегишли бўлиб, бунда ўқувчи эгаллаган билимлар асосида янги ахборот излаб топади ва янги фаолият йўналишларини ижод қилади.

Ўқитувчи дарс жараёнида бу қайд этилганларни амалга ошириш давомида ўқувчиларда касбий билим, кўникма ва малакаларни шикллантириш билан бирга уларда касбий сифатларни ҳамда маънавий дунёқарашни шакллантиради. Бунинг учун ҳарбий таълим фанини ўқитишда - "мулоқот - назорат дарси", "суҳбат", "викторина", "дидактик ўйинлар", "мусобақалашув ("Ақлий ҳужум", "Техник ҳужум", "Ким яхши жавоб берди ва ташаббускор", "Ким янгиликка қизиқувчи", "Ижодкор ким" ва ҳоказо) каби ўйинлардан фойдаланилса таълимда, катта самараларни қўлга киритиш мумкин.⁵

Чқирувга қадар бошланғич тайёргарлик дарсларида ўқувчиларни тарбиялашда педагогик технология методларидан самарали фойдаланиш натижасида уларда қуйидаги касбий фазилатлар ва ҳислатлар таркиб топиши мумкин.

Ўқитиш жараёнида тарбияланувчиларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларни қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндошиш, маъсулиятни сезиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга, педагогга ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради. Бундай

натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади.

Педагогик технологиянинг қуйидаги таркибий унсурлари унинг асосини белгилашга хизмат қилади:

Педагогик технологиянинг таркибий унсурлари:

- таълим жараёнининг умумий лойиҳаси;
- таълимни ташкил этишга бўлган ижтимоий эҳтиёж;
- таълим мақсади;
- таълим мазмуни, шакл, метод, усул ва техникаси;
- ўқувчи фаолияти;
- ўқитувчи фаолияти;
- таълим натижаси.

Педагогик технология ўзида қуйидаги хусусиятларни намоён этади:

1. Педагогик технология педагогик жараённи такомиллаштириш, педагогик технологияни омаллаштиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондиришни омили ҳисобланади.

2. Педагогик технология дидактик ҳамда тарбиявий характердаги, шунингдек, таълим-тарбия жараёнини самарали, маҳоратли тарзда ташкил этиш борасидаги назарий ҳамда амалий билимлар мажмуи, методологик фан сифатида намоён бўлади.

3. Продуктив - бу метод унумли даража ҳам деб аталади. Бунда олдин эгалланган билимлар асосида ўзлаштирилиши лозим бўлган эвристик фаолият вужудга келади.

4. Ижодий даража - бу фаолият баҳолашга тегишли бўлиб, бунда ўқувчи эгаллаган билимлар асосида янги ахборот излаб топади ва янги фаолият йўналишларини ижод қилади.

Ўқитувчи дарс жараёнида бу қайд этилганларни амалга ошириш давомида ўқувчиларда касбий билим, кўникма ва малакаларни шикллантириш билан бирга уларда касбий сифатларни ҳамда маънавий

дунёқарашни шакллантиради. Бунинг учун ҳарбий таълим фанини ўқитишда - "мулоқот - назорат дарси", "суҳбат", "викторина", "дидактик ўйинлар", "мусобақалашув ("Ақлий ҳужум", "Техник ҳужум", "Ким яхши жавоб берди ва ташаббускор", "Ким янгиликка қизиқувчи", "Ижодкор ким" ва ҳоказо) каби ўйинлардан фойдаланилса таълимда, катта самараларни қўлга киритиш мумкин.

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик дарсларида ўқувчиларни тарбиялашда педагогик технология методларидан самарали фойдаланиш натижасида уларда қуйидаги касбий фазилатлар ва ҳислатлар таркиб топиши мумкин.

Ўқитиш жараёнида тарбияланувчиларга шахс сифатида қаралиши, турли педагогик технологиялар ҳамда замонавий методларни қўлланилиши уларни мустақил, эркин фикрлашга, изланишга, ҳар бир масалага ижодий ёндошиш, маъсулиятни сезиш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, таҳлил қилиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишга, энг асосийси, ўқишга, фанга, педагогга ўзи танлаган касбига бўлган қизиқишларини кучайтиради. Бундай натижага эришиш амалиётда ўқув жараёнида инновацион ва ахборот технологияларни қўллашни тақозо этади.

Педагогик технологиянинг қуйидаги таркибий унсурлари унинг асосини белгилашга хизмат қилади:

Педагогик технологиянинг таркибий унсурлари

- таълим жараёнининг умумий лойиҳаси
- таълимни ташкил этишга бўлган ижтимоий эҳтиёж
- таълим мақсади
- таълим мазмуни, шакл, метод, усул ва техникаси
- ўқувчи фаолияти
- ўқитувчи фаолияти
- таълим натижаси

Педагогик технология ўзида қуйидаги хусусиятларни намоён этади:

1. Педагогик технология педагогик жараёни такомиллаштириш, педагогик технологияни омаллаштиришга бўлган ижтимоий эҳтиёжни қондиришни омили ҳисобланади.

2. Педагогик технология дидактик ҳамда тарбиявий характердаги, шунингдек, таълим-тарбия жараёнини самарали, маҳоратли тарзда ташкил этиш борасидаги назарий ҳамда амалий билимлар мажмуи, методологик фан сифатида намоён бўлади.

3. Педагогик технология таълим-тарбия жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи яхлит жараёндир.

4. Педагогик технология йўналтирувчанлик вазифасини бажаради, яъни, у шахсни ривожлантириш, тарбиялаш, шакллантириш учун хизмат қилади.

5. Педагогик технология – шахсийлик хусусиятига эга бўлиб, муайян технологияларни таълим-тарбия жараёнида қўллашга нисбатан ягона, қатъий, меъёрий (стандарт) талаблар қўйилмайди. Ҳар бир педагог у фаолият юритаётган таълим-тарбия муҳитининг хусусиятлари, мавжуд ички ва ташқи шарт-шароитларни инобатга олган ҳолда муайян технологик ёндашувни амалга ошириш имкониятига эга.

6. Педагогик технология ўзида таълим, тарбия ва шахс тараққиёти (камолоти) бирлигини ифода этади.

Педагогик технология ўз моҳиятига кўра субъектив хусусиятга эга, яъни, ҳар бир педагог таълим ва тарбия жараёнини ўз имконияти, касбий маҳоратидан келиб чиққан ҳолда ижодий ташкил этиши лозим. Қандай шакл, метод ва воситалар ёрдамида ташкил этилишидан қатъий назар педагогик технологиялар:

- педагогик фаолият (таълим-тарбия жараёни) самарадорлигини ошириш;
- ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топедагогик технологиялари;
- ўқувчилар томонидан ўқув предметлари бўйича пухта билимлар эгалланишини таъминлаш;

- ўқувчиларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш;
- ўқувчиларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш;
- педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши зарур.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол усуллар (инновацион педагогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини кўтаришга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар ўқувчилар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади.

Таклиф этилаётган модел чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни модернизациялашнинг замонавий босқичда ЧҚБТ раҳбари (ўқитувчиси)га қўйилаётган талабларни ўзида акс эттиради.

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик машғулотлари назарий, амалий, кўргазмали, тактик, тактик саф, назорат шаклларида ўқитилиши ва уларнинг аксарият қисми амалий бўлиб Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари низомларининг талаблари асосида олиб борилиши, отиш тайёргарликлари бўйича машғулотлари ўқув ва жанговар қуроллар билан ишлаш бўйича кўрсатма ва йўриқномаларга амал қилиниши, машғулотларнинг аксарият қисми, ўқув-моддий база билан чамбарчарс боғлиқлиги, ҳарбий таълим машғулотларининг ўзига ҳос томонлари бўлиб ҳисобланади. Педагогикага оид адабиётларнинг таҳлилига кўра, ҳозирги даврда педагогик технология тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмидан мустахкам ўрин эгаллади.

Ҳозирда таълимни технологиялаштириш масаласида турли ёндашувлар мавжуд. Масалан бир ёндашувда ўқитиш технологиялари ўқитишнинг барча воситаларини қамраб олган қандайдир жиҳозлаш сифатида ҳам белгиланади. Унда технология ўқув жараёнини техникалаштиришни тақозо қилади.

Бошқа ёндашувда технология таълим амалиётини янги ёки замонавийлаштирилган билимлар билан таъминлашнинг усули сифатида қарашга имконият беради. Бунда технология таълимнинг илмий тамойиллари ва амалиётини тадбиқ этиш сифатида қаралади.

Ҳарбий таълимни ўқитиш жараёнига янги педагогик инновацион технологияларни жорий этиш масаласига эса икки ҳил ёндашув билан қараш ҳарбий машғулотларнинг олиб бориш принципларига зид келмайди.

Биринчи ёндашувда фан машғулотларининг самарадорлиги нафақат янги педагогик инновацион технологияларни қўлланишига, балки Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларнинг умумҳарбий Низомлари талаблари, шунингдек бевосита ўқув-моддий база, моддий таъминот, ўқув қурул ва табель буюмлар билан таъминланганлиги ҳамда машғулот раҳбарининг тайёргарлик даражасига, боғлиқ деб қаралади ва шу ўринда янги инновацион технологияларни амалий машғулотларга қўлланишини кўзда тутмайди.

Иккинчи ёндашувда эса биринчи ёндашувнинг мазмунини тўлиқ инкор этмаган ҳолда ўқитиш жараёнини лойихалаштирилган ҳолда изчил ва мунтазам ташкил этиш деб талқин қилинади.

Таҳлиллар натижасига кўра ҳар иккала ёндашувда ҳам ҳарбий таълимни ўқитиш бўйича машғулотлар ўтказиш жараёнидаги ўзига ҳослик ўз аҳамиятини йўқотмайди.⁶

Технологик ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ўқитиш технологиялари пухта технологиялаштирилганлиги бўйича қолиб кетмоқда.

⁶ А. Сотволдиев. Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси. Тошкент 2012. Низомий номидаги ТДПУ.

Бир қатор технологияларда назарий асослар кучайтирилган, амалий томони у қадар ойдинлаштирилмаган.

Педагогик технологияда ҳали кўп аниқланмаган масалалар бор. Бу муаммони тадқиқ этиш ўқитиш технологиясининг тушунчаси ва методологик моҳиятини аниқлаш билан боғлиқ.

II-БОБ. ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁР ГАРЛИК ЖАРАЁНИГА ЎҚУВ ЛОЙИХАСИ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ –ТЕХНОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ.

2.1. Ўқув лойиҳаси тушунчаси, унинг афзалликлари ва имкониятлари.

Мутахассислик бўйича ишларни бажариш учун ўзлаштирилган зарур билимлар, уқув ва кўникмалар ҳамда касбий ҳамжамиятлар доирасига мослашиш ва самарали фаолият юритиш учун зарур универсал - таянч лаёқат, маданиятлар ва тармоқлараро билим, ўқув ва қобилиятлар замонавий таълимнинг натижаси бўлиши лозимлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган. Мувофиқ тарзда бу вазифаларни ҳал этишни таъминловчи педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва қўллаш долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Айнан, лойиҳавий таълим технологияси шулар жумласига киради.

Бугунги давар талабларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳавий таълим куйидаги таълим муаммоларини ҳал этишга ёрдам беради:

- таълимни реал ҳаёт билан амалий боғлайди;
- назарий маълумотларни амалий фаолият билан боғлаб, ўқувчиларни мустақил ишлашга жалб этади;
- касбий ва таянч лаёқатларини шакллантиради ва ривожлантиради.

Лойиҳа (projekt) – тушунчаси кенгроқ ифодаланиб, маълум натижа (лойиҳанинг беқиёс маҳсули)га эга мақсадли фаолиятни ташкил этиш учун бирор-бир ташкилий шаклни белгилаш учун фойдаланилади

“Ўқув лойиҳаси” тушунчаси:

- муайян истеъмолчига мўлжалланган, муаммоларни **излаш, тадқиқ қилиш ва ечиш**, натижани ноёб (моддий ёки интеллектуал) маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга қаратилган. талабларнинг мустақил ўқув фаолиятини ташкил қилиш усули;

- назарий билимлар орқали амалий вазифаларни ечишга қаратилган ўқув восита ва қуроллари;
- ривожлантирувчи, таълим ва тарбия ҳамда билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва малакаларни шакллантиришга қаратилган дидактик восита.

Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси – лойиҳалаштириш, режалаштириш ва амалга ошириш жараёни, ўқитувчининг юқори малакага эгаллиги кўрсаткичидир. Шунинг учун ҳам бу технология XXI аср технологияси ҳисобланади

Таълимда лойиҳалаштириш ўқитувчи томонидан ўқувчининг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкил этишдан то интеллектуал ёки оддий маҳсулотни оммавий баҳолаш учун уни ҳал этиш усулини тақдим этишгача мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи махсус (лаборатория шароитларида) ташкил этилган мақсадли ўқув фаолиятидир.⁷

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш асосида маълум фаолият кўникма ва малакаларни шакллантириш, фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган назарий ва амалий билимлар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни, таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллашга доир катта тажриба тўпланган бўлиб, бу тажриба асосини интерфаол методлар ташкил этмоқда.

⁷ Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси тўплами. Методик қўлланма/Серия “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида инновацион технологиялар”. – Т.: ТДИУ, 2013. – 83 бет.


Бу каби методлар қаторида “Лойихалаш” усули ҳам ўз моҳиятига кўра таълим олувчиларда ўқув-билиш фаоллигини ошириш, уларни кичик гуруҳ ва жамоада ишлаш, ўрганилаётган мавзу, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини ҳимоя қилиш, далиллар билан асослаш, тенгдошларини тинглай олиш, ғояларни янада бойитиш, билдирилган мавжуд мулоҳазалар орасидан энг мақбул ечимни танлаб олишга рағбатлантириш имкониятига эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи (педагог)лар томонидан интерфаол методларнинг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим олувчи (ўқувчи, талабалар)да мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантиқий фикрлаш, мавжуд ғояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантиқий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият яратади.

Замонавий шароитда таълим самарадорлигини оширишнинг энг мақбул йўли – бу машғулотларнинг интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш деб ҳисобланмоқда. Хўш, интерфаол методларнинг ўзи нима? Улар қандай дидактик имкониятларга эга? Таълим жараёнида интерфаол методларнинг ўринли, мақсадга мувофиқ қўлланилиши қандай самараларни кафолатлайди? Қуйидаги ана шу каби саволларга қисқача жавоб топилади.

Юқоридаги саволларга жавоб топишда энг тўғри қадам таянч тушунча – “интерфаол” атамасининг луғавий маъноси билан танишишдир.

Мантиқий нуқтаи назардан интерфаоллик, энг аввало, ижтимоий субъектларнинг суҳбат (диалог), ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракат, фаолиятнинг олиб боришларини ифодалайди.

Таълим соҳасида фаолият юритаётган ҳар бир мутахассис яхши биладики, анъанавий таълим ҳам суҳбат (диалог)га асосланган ва бу суҳбат қуйидаги ўзаро муносабат шаклларида ташкил этилади:




Анъанавий таълимда ҳам табиий равишда суҳбат асосини ахборот ташкил этади. Аммо ахборот узатишнинг асосий манбаи ўқитувчининг тажрибаси бўлиб, бу жараёнда у етакчилик, доминантлик қилади, яъни у дарснинг асосий вақтида билимларни оғзаки тарзида ўқувчи (талаба)ларга етказиб беришга интилади. Фаоллик кўрсатиш ўқитувчигагина хос бўлиб, ўқувчи (талаба)лар бу вазиятда суш тингловчи бўлиб қолади. Уларнинг асосий вазифаси ўқитувчини тинглаш, зарур ўринларда ёзиш, саволлар билан муурожаат қилинганида жавоб қайтариш, кам ҳолатларда рухсат этилганидагина сўзлашдан иборатдир.

Анъанавий таълимдаги бир томонламалик олий таълим тизимидаги фақат маъруза машғулотларида эмас, семинар дарсларида ҳам устуворлик қилади. Унга кўра, “етказиб берувчи” ролида энди ўқитувчи эмас, балки ўқувчи (талаба) намоён бўлади. Ўқувчи (талаба), асосан, ўзи ўзлаштирган билимларни намойиш этади, ўқитувчи эса унинг фикрларини тинглайди, зарур ўринларда саволлар билан муурожаат қилади. Ўқувчи (талаба)лар гуруҳи (жамоаси) бу вазиятда бутунлай суш иштирокчи, тингловчи бўлиб қолади. Бир қарашда ўқувчи (талаба) ёки ўқитувчи томонидан узатилаётган ахборотларнинг қабул қилиниши талабалар гуруҳи (жамоаси) учун билимларни ўзлаштириш имкониятини яратаётгандек таассурот уйғотади. Бироқ, психологик тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, шу тарзда қабул қилинган билим (маълумот)лар жуда тез унутилади. Хусусан, америкалик психолог олимлар Р.Карникау ва Ф.Макэлроунинг ўрганишларига кўра шахснинг табиий физиологик-психологик имкониятлари муайян шаклларда ўзлаштирилган билимларни турли даражада сақлаб қолиш имконини беради. Яъни шахс: манбани ўзи ўқиганида 10 %; маълумотни эшитганида 20 %; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараёни кўрганида 30 %; содир бўлган воқеа, ҳодиса ёки жараёни кўриб, улар тўғрисидаги маълумотларни

эшитганида 50 %; маълумот (ахборот)ларни ўзи узатганида (сўзлаганида, билимларини намоёниш этганида) 80 %; ўзлаштирилган билим (маълумот, ахборот)ларни ўз фаолиятига татбиқ этганида 90 % ҳажмдаги маълумотларни ёдда сақлаш имкониятига эга.


Шунга кўра интерфаол ўқитиш “таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гуруҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўқув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – ўқувчи – ўқувчилар гуруҳи”нинг ўзаро бир-бирларини ҳурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб-қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади”.

Замонавий таълим, шу жумладан, унинг тобора оммалашиб бораётган шакли – интерфаол ўқитишда эса шахслар ўртасидаги суҳбат (диалог) куйидаги шахслар ўртасида ташкил этилади:




Интерфаол таълим моҳиятига кўра суҳбатнинг “ўқувчи – ахборот-коммуникацион технологиялар” шаклида ташкил этилиши ўқувчи (талаба)лар томонидан мустақил равишда ёки ўқитувчи раҳбарлигида ахборот технологиялари ёрдамида билим, кўникма, малакаларнинг ўзлаштирилишини англатади.

Ўқитишнинг интерфаол таълимга асосланиши бир қарашда ниҳоятда оддий, содда ва ҳатто “болалар ўйини” каби таассурот уйғотади. Бироқ, бунда ўқитувчининг маълум даражада қуйидаги омилларга эга бўлиши талаб қилинади:



Шу билан бирга таълимда интерфаол таълимнинг самарадорлиги куйидаги иккиламчи омилларга ҳам боғлиқ:



Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим ёрдамида ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил ҳамда танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади.

Энг муҳими, интерфаол методларни қўллаш орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали ҳолис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.⁸

⁸ Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Ҳоликова. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. Методик қўлланма. Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013. – 136 бет.

2.2. Лойиҳа тури ва унинг асосий белгилари, лойиҳвий таълимга асосланган ўқув машғулотининг технологик чизмаси, ўқитишнинг универсал технологик харитаси, универсал баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари.

Лойиҳа тури ва унинг асосий белгилари

Лойиҳанинг асосий белгилари	Лойиҳа тури
<i>Фан жиҳатидан мазмунли соҳа</i>	
Бир фан доирасида, баъзан бошқа фандан билимларни жалб этиш орқали	Ягона лойиҳа
Бир неча билимлар соҳасига тааллуқли бўлган	Фанлараро
<i>Лойиҳа миқёси</i>	
Лойиҳанинг ҳажми	Кичик, ўрта, йирик
Иштирокчилар сони	Якка, гуруҳ бўлиб
<i>Амалга ошириш даврининг изчиллиги</i>	
1-2 ҳафта давомида ишлаб чиқилади	Қисқа муддатли
Бир ой давомида ишлаб чиқилади	Ўрта муддатли
Бир ойдан кўпроқ вақтда ишлаб чиқилади	Узоқ муддатли
<i>Ўқув режасига киритилганлиги</i>	
Лойиҳа устида аудиториядан ташқари мустақил ишлаш фанни ўрганиш якунида, унинг натижалари тақдироти ва баҳоланиши – якуний семинар/амалий, лаборатория машғулотларида режалаштирилади. Якуний назорат доирасида баҳоланиши мумкин	Якуний
Ўқув курсидан таълим бериш мазмунининг бир қисми аудиториядан ташқари лойиҳавий мустақил ишга ажратилади (дарс мавзуси, бўлим). Натижалар мазкур ўқиш даврига режалаштирилган	Оралик

семинар/амалий/лаборатория машғулотларида тақдим этилади	
Аудиториядан ташқари мустақил фаолият доирасида ҳажми бўйича катта ўқув бўлими ёки бутун курс давомида бажариш режалаштирилади. Оралиқ натижалар семинар / амалий / лаборатория машғулотларида тақдим этилади ва баҳоланади	Очиқ (бевосита)

Лойиҳавий таълимга асосланган ўқув машғулотининг технологик чизмаси

1-тайёргарлик босқичи: аудитория иши

Таълим берувчи

Таълим олувчи

1.Ўқув лойиҳага қўйилган талаблар:

- муаммоли вазият баён қилинади (Лойиҳага киришга қаранг);
- асосий муаммо ва лойиҳавий фаолиятнинг мақсади жамоавий тарзда шакллантирилади. Унинг натижаси ва маҳсулоти анқланади

1.Гуруҳларга бирлашишади. Мавзунини танлаш ҳақида умумий қарорни муҳокама этишади ва қабул қилишади



2.Лойиҳавий топшириқлар тарқатилади. Индивидуал тарзда ўқув топшириқлар ўрганилади



2.Лойиҳа топшириғи билан танишишади

2-иъро босқичи: аудиториядан ташқари иш



3. 5 ва 6 кишидан иборат лойиҳавий кичик гуруҳлар ташкил этилади



4. Уларга йўриқнома берилади:

- гуруҳларда ишлаш қондаси билан таништирилади;
- ўқув лойиҳасининг алгоритм кетма-кетликда бажариш бўйича қайтар алоқа ташкил этилади (2-3 гуруҳларда);
- иш натижаларининг тузилмасига эътибор қаратилади

5. Маслаҳат беради, гуруҳлар ишини мувофиқлаштиради, улар фаолиятини рағбатлантиради, кузатади, ахборот манбаларини излашда ёрдам беради, ўзи ахборот манбаи бўлади, лойиҳа ишлари мониторинги ва назоратини амалга оширади



3. Лойиҳа устида ишлаш шаклини танлашади



4. Лойиҳа фаолиятини гуруҳлар-даги ишни ташкил этишади: лойиҳани бажариш йўналишлари ва босқичларини белгилашади, гуруҳ аъзолари ўртасидаги функцияларни тақсимлашади, ҳамкорлик шакллари белги-лашади, лойиҳа вазифаларини бажариш, унинг натижаларини ифодалаш ва тақдимот усуллари ва воситаларини танлашади. Лойиҳа ишларининг ишчи режасини вазифалар, уларни бажариш муддатлари, тайёр маҳсулот турини ва масъулларни кўрсатиб тузишади

5. Индивидуал вазифаларга биноан ишларни бажаришади. Фаол ва мустақил ишлашади, ҳар ким ўз вазифасига мувофиқ ва биргаликда: турли манбалардан ахборот йиғишади, таҳлил этишади ва умумлаштиришади; тадқиқотлар ўтказишади, ҳисоб-китобларни бажаришади; заруратга қараб маслаҳатлашишади; оралиқ натижаларни муҳокама қилишади; ҳамма олинган натижаларнинг умумий йиғилиши ва муҳокамасини ўтказишади; лойиҳа маҳсулотини ифодалашади; ҳисобот тузишади; лойиҳадаги ютуқларнинг ўзини-ўзи баҳолаш анкеталарини тўлдиришади; лойиҳа иши натижалари тақдимотини расмийлаштиришади

3- якунловчи босқичи: аудитория иши

6. Лойиҳавий таълимнинг гуруҳдаги иши ташкил этилади



7. Тақдимотларнинг бошланиши қурра ташлаш орқали кетма-кет эълон қилинади

7. Гуруҳлар ўз иши натижалари ҳақида маъруза қилади ва уларни белгиланган шаклда тақдим этади.



8. Ишни якунлаш. Гуруҳларнинг ўзаро баҳоси.

Лойихали ўқитишнинг универсал технологик харитаси

Таълим шакли. Иш босқичи	Фаолият	
	ўқитувчи	ўқувчи
Биринчи ўқув машғулоти: тайёргарлик босқичи		
1. Ўқув машғуло- тига кириш	Машғулот мавзуси ва мақсадини айтади, ўқувчиларга кутиладиган ўқув натижалар маълум қилади; ўқув машғулотидаги иш тартиби ва хусусиятлари, ўқув натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради	
2. Асосий босқич	Лойиха фаолияти мазмуни ва унинг бўлғуси мутахассиснинг асосий ваколатларини шакллантиришга таъсири билан таништиради. Ўқувчиларнинг лойиха мавзуси бўйича билимларини долзарблаштиради: блиц-сўровнома ўтказди ёки савол-жавобли шаклни қўллайди. Мавзуларни таклиф қилади, лойихалар мазмуни ҳақида ҳикоя қилади, улар доираларини ифодалайди, ишлар турларини айтади, уларнинг натижаларини маълум қилади. Гуруҳларга бирлашиш ва лойиха мавзусини танлашни таклиф қилади	Гуруҳларга бирлашишади. Мавзуни танлаш ҳақида умумий қарорни муҳокама этишади ва қабул қилишади

	Сухбат орқали муаммони ўртага қўяди: муаммоли вазиятни баён қилади ва ўқувчиларни зиддиятларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал қилиш зарурлигини билишга, муаммони ва лойиҳа мавзусини ифодалашга ундайдиган саволлар қўяди. Ўқувчиларнинг лойиҳа мақсади ва унинг вазифаларини ифодалаш бўйича мунозара ёки фикрий хужум уюштилади. Унинг кутиладиган натижаси – маҳсулот ва унинг тахминий фойдаланувчиларини ифодалайди.Баҳолаш мезонлари билан таништилади.	Саволларга жавоб беришади; зиддиятни аниқлашади, уларни ҳал қилиш зарурлигини билишади; муаммони ва лойиҳа мавзусини ифодалашади Лойиҳа мақсади ва унинг вазифаларини ифодалашади.
	Лойиҳа топшириғини қўяди. Ўқувчиларнинг унинг билан танишиши ва тушунишини уюштилади. Ахборот манбалари, уни йиғиш ва таҳлил этиш усуллари тавсия қилади. Лойиҳа фаолияти натижалари ва умуман жараёни баҳолаш русумлари ва мезонлари билан таништилади	Лойиҳа топшириғи билан танишишади. Саволлар беришади
	Ўқувчиларнинг лойиҳа устида ишлаш шаклини танлашини ташкил қилади. Лойиҳа гуруҳлари шакллантиришини уюштилади	Лойиҳа устида ишлаш шаклини танлашади. Гуруҳларга бирлашишади

	Гуруҳ иши учун топшириқ беради, гуруҳда ишлаш қоидаларини эслатади: - лойиҳадаги вазифалар ва фаолият турларини ажратиш, уларни қатнашчилар ўртасида тақсимлаш (гуруҳли лойиҳада); - лойиҳа фаолияти алгоритминини ишлаб чиқиш; - лойиҳа вазифаларини бажариш, унинг натижаларини ифодалаш ва тақдимот усуллари ва воситаларини танлаш; - ишчи режасини тузиш	Лойиҳа фаолиятинини лойиҳалаштириш ва режалаштириш бўйича гуруҳлардаги ишни ташкил этишади: лойиҳани бажариш йўналишлари ва босқичларинини белгилашади, гуруҳ аъзолари ўртасидаги функцияларни тақсимлашади, ҳамкорлик шакллариини белгилашади, лойиҳа вазифаларинини бажариш, унинг натижаларинини ифодалаш ва тақдимот усуллари ва воситаларинини танлашади. Лойиҳа ишларининг ишчи режасинини вазифалар, уларни бажариш муддатлари, тайёр маҳсулот туринини ва масъуларни кўрсатиб тузишади
--	---	--

3. Якунлов- чи баҳолаш босқичи	Лойиҳа топшириғи устидаги ишнинг асосий натижаларини белгилаш ва лойиҳа фаолиятини режалаштириш бўйича хулоса чиқаради. Ўқувчилар эътиборини лойиҳа ишлари мазмунига ва лойиҳанинг ижро босқичида уларни бажариш графигига қаратади. Саволларга жавоб беради	Саволлар беришади
<i>Аудиториядан ташиқари иш: ижро босқичи</i>		
1. Лойиҳа- нинг бажарили- ши.	Маслаҳат беради, гуруҳлар ишини мувофиқлаштиради, улар фаолиятини рағбатлантиради, кузатади, ахборот манбаларини излашда ёрдам беради, ўзи ахборот манбаи бўлади, лойиҳа ишлари мониторинги ва назоратини амалга оширади	Индивидуал вазифаларга биноан ишларни бажаришади. Фаол ва мустақил ишлашади, ҳар ким ўз вазифасига мувофиқ ва биргаликда: - турли манбалардан ахборот йиғишади, таҳлил этишади ва умумлаштиришади; - тадқиқотлар ўтказишади, ҳисоб- китобларни бажаришади; - заруратга қараб маслаҳатлашишади; - оралиқ натижаларни муҳокама қилишади;

3. Ҳисобот тузилиши.		Ҳамма олинган натижаларнинг умумий йиғилиши ва муҳокамасини ўтказишади. Лойиҳа маҳсулотини ифодалашади. Ҳисобот тузишади. Лойиҳадаги ютуқларнинг ўзини-ўзи баҳолаш анкеталарини тўлдиришади.
4. Тақдимот тайёрла-ниши		Лойиҳа иши натижалари тақдимотини расмийлаштиришади
Иккинчи ўқув машғулотини: якунловчи босқич		
1. Ўқув машғулотига кириш	Лойиҳалар тақдимотида кўрсатма беради: гуруҳларнинг бажарилган лойиҳаларни тақдим этиши регламенти ва изчиллигини белгилайди. Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини эслатади. Ўзаро баҳолаш жадвалларини тарқатади	
2. Асосий босқич	Тақдимот бошланишини эълон қилади. Ҳар бир гуруҳ тақдимоти якунлари бўйича: - мазмуни бўйича аниқловчи саволлар ва ҳар бир қатнашчининг роли ҳақида аниқ мақсадга қаратилган саволлар беради;	Гуруҳлар ўз иши натижалари ҳақида маъруза қилади ва уларни белгиланган шаклда тақдим этади. Саволларга жавоб

	- курсдошлар саволларига жавоблар вақтида қувватлайди ва рағбатлантиради	беришади
	Гуруҳларнинг лойиҳа тақдироти муҳокамаси ва ўзаро баҳолашини уюштиради	Жамоа бўлиб муҳокама қилиш орқали: тақдирот, олинган маҳсулот, лойиҳа фаолияти натижаларини баҳолашади
	Ўқувчилар билан бирга лойиҳа устидаги иш жараёни ва яқунларини муҳокама қилади, нотиқларни рағбатлантиради, ўз мулоҳазаларини назорат билан билдиради, агар зарур бўлса, айрим ўқувчиларнинг ютуқлари ва хатолари ҳақида ўз фикрини индивидуал билдиради	
3. Яқунлов-чи баҳолаш босқичи	Лойиҳа фаолиятининг асосий натижаларини аниқлаш бўйича хулоса чиқаради.Бажарилган ишнинг бўлғуси профессионал фаолият учун муҳимлигига эътиборни қаратади. Гуруҳлар фаолияти, лойиҳа топшириғи устидаги индивидуал иш натижаларига баҳо беради. Ўзаро баҳолашга яқун ясайди. Лойиҳа ва лойиҳали таълим мақсадига эришиш даражасини таҳлил этади ва баҳолайди. Саволларга жавоб беради	Натижалар, жараён, ўзининг ундаги иштирокини бошқалар баҳолашини ҳисобга олиб ўзи баҳолайди

Лойиҳали ўқитишнинг универсал баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари
Гуруҳли лойиҳада қуйидагилар баҳоланади:

- Лойиҳа маҳсули- Маълумотнома (энг юқори 10 балл);
- ҳисобот (энг юқори 5 балл);
- лойиҳа тақдимути (энг юқори 5 балл)

8-10 балл – “аъло”

6- 8 балл – “яхши”

4- 6 балл – “қониқарли”

0 -4 балл – “қониқарсиз”

2.3. Дарсдан ташқари вақтларда чақириққача ўқувчи-ёшларни ижодкорлик қобилиятларини ўқув лойиҳаси усулидан фойдаланиб шакллантириш.

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанидан мустақил таълим учун ўқув лойиҳа топшириғи:

Мавзу: А.Темур даврида давлат бошқаруви ва ҳарбий бошқарув тизими

ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

Фаннинг номи: “ Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик”.

Мавзунинг номи: А.Темур даврида давлат бошқаруви ва ҳарбий бошқарув тизими

Иштирокчилар: Академик лицейининг, 2-курс ўқувчилари.

Мустақил таълим беришнинг мақсади: А.А.Темур даврида давлат бошқаруви ва ҳарбий бошқарув тизими ҳақида мустақил иш бажариш билан ўқувчи-ёшларда ижодкорлик қобилиятларини шакллантириш.

Кўзланаётган натижалар: А.Темур даврида давлат бошқаруви ва ҳарбий бошқарув тизимини ҳозирги давр учун ҳам нечоғлик зарурлигини англаб етади, ҳар қандай бошқарув усуллари бошқарув тизимидаги келтириб чиқарадиган вазиятларни ажрата олади, давлат бошқаруви ва ҳарбий бошқарув тизимига оид билимга эга бўлади.

Лойиҳалаштириш фаолияти бўйича қуйидаги амалий кўникмаларга эга бўлади: муаммони шакллантириш ва вазифаларни аниқлаш; вазифаларни амалга оширишдаги усулларни танлаш ва улардан фойдаланиш; ўз фаолиятини режалаштириш; маълумот манбаларини аниқлаш, тизимга келтириш ва таҳлил этиш; натижаларни талаб даражасида расмийлаштириш ва керакли кўринишда тақдим этиш.

Қуйидаги кўникмаларга эга бўлишлари керак: А.Темур давлатида бошқарув ва ҳарбий бошқарув тизимининг ютуқларини билиши ва шу маълумотларга оид ҳужжатларни йиғиш, қайта ишлаш ва тақдим этиш; давлат бошқаруви ва олиб борилган жанглارни акс эттиривчи маълумотларни таҳлил этиш; гуруҳда фаолият юритиш, ҳамкорликда ўқиш тартиб ва қоидалари.

Турланиш белгилари бўйича лойиҳага тавсиф: тури амалий; предмет ва мазмун жиҳатдан кўлами бир боб бўйича фойдаланилувчи монолойиҳа; ўқувчилар ўқув лойиҳа фаолиятларини мувофиқлаштириш характери бевосита; иштирокчилар сони 5 тадан 8 тагача иштирокчи бўлиши мумкин; бажариш муддати – 1-ой.

Лойиҳани бажариш тартиби: ўқувчиларнинг аудиториядан ташқари мустақил фаолиятларида бажарилади, тўғарак машғулотларида, ҳар ойнинг охирида тақдим этиб борилади. Лойиҳа маҳсули ўқувчилар ва педагог ўртасида белгиланган кунда амалга оширилади.

Лойиҳанинг баҳоланиши - ишчи гуруҳлар томонидан бажарилган лойиҳа қуйидагича баҳоланади (гуруҳнинг ҳар бир аъзоси учун): ўқувчилар томонидан бажарилган лойиҳанинг алоҳида қисмлари (макс. балл – 8); ҳисобот (макс. балл – 2); лойиҳа тақдимоти ва ҳимоя этиш жараёни (макс.балл– 5).

Лойиҳа асосида ўқитиш босқичлари

Тайёрлов босқичи: лойиҳа билан танишиш; тўғаракнинг аудитория машғулоти вақтида ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш.

Лойиҳани бажариш босқичлари: аудиториядан ташқари фаолият даврида.

Якуний босқич лойиҳа тақдимоти, лойиҳа ва аудитория машғулотида ўқувчиларнинг лойиҳалаштириш фаолиятини баҳолаш.

Лойиҳа асосида ўқитишни бошқариш: аудиториядан ташқари фаолиятда.

Таълим моделининг қисқача тавсифномаси

Лойиҳа асосида ўқитиш жараёнида қуйидагилар қўлланилади:

ўқитиш усуллари :лоийҳалаштириш усули, матн ва ахборот манбалари билан ишлаш, тақдимот;

ўқитиш шакллари: оммавий, алоҳида, гуруҳли;

*ўқитиш воситалари:*лоийҳа топшириғи, услубий кўрсатмалар, компьютер технологиялари.

ЎҚУВ ЛОЙИҲА:

“А.ТЕМУР ДАВЛАТИДА БОШҚАРУВ ВА ҲАРБИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ”

I. Лойиҳа топшириғи

Кириш. Давлатчилигимиз тарихига назар ташласак Амир Темур давлат бошқаруви соҳасида жуда кўп ўзгаришларни қилди. У ўзининг Темур тузуклари асарида давлат бошқаруви тўғрисида батфсил тўхталган. А.Темур тарихи билан боғлиқ барча маълумотларни ўрганиб чиқиб уларни таҳлил қилиш ва керак бўлса у юритган сиёсатни ҳозирги замонага мос руҳда қўллаш мумкин.

Бироқ биз Амир Темур давлатида бошқарув ва давлатнинг ҳарбий бошқарув тизими ҳақида чуқур маълумотларга эга эмасмиз. Яъни таҳлилий, қисқа ахборотли ҳамда таққословчи хусусиятларга эга бўлган яхлит маълумотлар етарлича эмас.

Лойиҳа доирасида ечилиши керак бўлган муаммо: ўқитувчи ва ўқувчиларни Амир Темур давлатида бошқарув ва давлатнинг ҳарбий бошқарув тизимини ўрганиш тўғрисидаги таҳлилий, қисқа ахборотли ҳамда таққословчи хусусиятларга эга бўлган маълумотлар билан таъминлашдан иборат.

Лойиҳанинг мақсади (нима учун яратилади): А.Темур давлатида бошқарув тизими ва А. Темурнинг жанг олиб бориш санъати ҳақида атрофлича бой маълумотни ишлаб чиқиш.

Якуний натижа: А.Темур давлатида бошқарув ва давлатнинг ҳарбий бошқарув тизими тўғрисидаги тузилмавий ахборотни ўз ичига оловчи, маълумотнома тайёрлаш.

Лойиҳадан фойдаланувчилар: ўқитувчи, юқори синф ўқувчилари ва кенг омма.

Лойиҳа доираси:

- бажарилиш муддати: семестр давомида (якуний назоратдан олдин тақдимот қилинади);
- иштирокчилар сони: гуруҳ ўқувчилари 3 та ишчи гуруҳга бўлиниб, ҳар бир ишчи гуруҳда 5 тадан 8 тагача иштирокчи бўлиши мумкин.

Лойиҳа гуруҳи иштирокчиларининг вазифалари ва фаолият турлари:

1. Қуйидаги мавзулар бўйича ахборот йиғиш:
 - А.Темур давлатининг ташкил топиши.
 - А.Темур давлатининг ижтимоий тузумининг асосий белгилари.
 - А.Темур давлатининг марказий ҳокимияти ва бошқарув органлари.
 - А.Темур давлатининг ҳарбий-бошқарув тизими.
 - А.Темур давлатида суд ва полиция ҳокимиятининг ташкил этилиши.
 - А.Темур давлатининг ҳарбий-бошқарув тизими.
2. Маълумотномани расмийлаштириш.
3. Лойиҳа фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлаш.
4. Лойиҳа фаолияти натижалари тўғрисида визуал (оғзаки) тақдимотни тайёрлаш.

II. Лойиҳа топшириғини бариш бўйича ўқувчиларга услубий кўрсатмалар

Лойиҳа фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун йўриқнома

1. Гуруҳ сардорини танланг.
2. Дикқат билан лойиҳа топшириғи билан танишинг.
3. Маълумотнома тузилишини аниқланг.
4. Иштирокчилар ўртасида лойиҳани ишлаб чиқиш бўйича ҳамда уни расмийлаштириш, тақдимотга ва ҳисоботга тайёрлаш бўйича вазифалар ва фаолият турларини тақсимланг.
5. Иш режасини тузинг

Лойиҳани бажариш бўйича иш режаси

Иштирокчиларнинг Ф.И.Ш.	Вазифа, фаолият тури	Иш мазмуни	Тайёр маҳсул тури	Бажариш муддати

6.Ахборот манбаларини аниқланг, ахборотни йиғинг ва уни матн, жадвал, чизма ҳамда шарҳлаш кўринишида расмийлаштиринг (Диққат! Ушбу вазифани барча гуруҳ иштирокчилари бажаради).

7.Натижаларни маълумотнома кўринишида материалларни расмийлаштиринг (1-та ўқувчи).

8.Ҳисоботни тайёрлаш йўриқномаси бўйича, ҳисоботни тайёрланг (2-та ўқувчи).

9.Лойиҳани Mikrosoft Pover Point бўйича тайёрлаш йўриқномасидан фойдаланиб, тақдимотга тайёрланг (2-та ўқувчи).

10. Лойиҳа тақдимотида гуруҳ аъзолари ўртасидаги вазифаларни аниқланг. Оғзаки тақдимотга тайёргарлик вақтида унинг қоидаларига риоя қилинг, оғзаки тақдимот сирларини эсдан чиқарманг.

**Тавсия этиладиган “Амир Темур давлатида бошқарув тизими”
мавзусидаги маълумотнома тузулиши.**

1. Титул варағи.
2. Аннотация.
3. Кириш-маълумотли ахборотнинг моҳияти ва вазифаси очиб берилади.
 - А.Темур давлатининг ташкил топиши.
 - А.Темур давлатининг ижтимоий тузумининг асосий белгилари.
 - А.Темур давлатининг марказий ҳокимияти ва бошқарув органлари.
 - А.Темур давлатининг ҳарбий-бошқарув тизими.
 - А.Темур давлатида суд ва политция ҳокимиятининг ташкил этилиши
4. Фойдаланилган манбалар рўйхати.

Лойиҳа иши тўрисида ҳисобот тузулиши.

1. Титул варағи.
2. Лойиҳани долзарблиги.
3. Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи муаммо лойиҳа мақсади якуний натижа, фойдаланувчилар.
4. Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи, муаммо, лийиҳа мақсади, якуний натижа, фойдаланувчилар.
5. Бажарувчиларни кўрсатган ҳолда маълумотнома тузулишини қисқа баёни.
6. Лойиҳа сифатини, лийиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг атижавийлиги, қийинчиликлар ва уни енги ўтис йўллари баҳолаш.

Визуал тақдимот тузулиши.

1. Лойиҳа мавзуси. Бажарувчилар.

2. Лойиҳа долзарблиги.

3. Лойиҳа доирасида ўз ечимини топувчи муаммо лойиҳа мақсади яқуний натижа, фойдаланувчилар.

4. Лойиҳанинг иш режасини (жадвал) баён этинг.

5. Лойиҳа маъсули; маъумотнома

- титул варағи

- аннотатсия

- мундарижа

6. Лойиҳа сифатини, лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлари ва уни енгиб ўтиш йўллари баҳолаш.

III--БОБ. ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁР- ГАРЛИК ЖАРАЁНИДА ЎҚУВ ЛОЙИХАСИ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

3.1. Тажриба–синов ишларининг қўйилиши ва мазмуни

Тадқиқот ишининг натижалари унинг самарадорлик даражаси билан белгиланади. Шунга кўра биз Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик самарадорлигини ўқувчилар билиши, кўникма ва малакаларининг қай даражада ортганлигини текшириш асосида аниқладик. Бунинг учун биз таъкидловчи эксперимент давомида ўқувчиларнинг дастлабки билими, кўникма ва малакаларини аниқлаган бўлсак, шакллантирувчи тажриба-синов жараёнида таълим ва тарбия бирлиги, билимларнинг қай даражада чуқур ва мустаҳкам эканлиги, кўникма ва малакаларининг такомиллашиб боргани, хотира ва тафаккурининг ривожланаётгани, маънавий-ахлоқий, ҳиссий-иродавий хислатларининг мустаҳкамлиги, умуман, билими даражасини аниқлашга ёрдам берди. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик самарадорлигини аниқлаш ўқувчиларга ўз фаолияти натижасини танқидий баҳолаш имконини ҳам берди. Шунингдек, ўқувчиларнинг хулқидаги хато ва камчиликларни аниқлаш натижасида уларнинг сабабларини бартараф этиш йўллари ҳам маълум бўлди. **Тажриба–синов ишлари Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Бобур кўчаси 55 уйда жойлашган ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАХОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ қошидаги академик лицейда ўтказилди.** Бу борада қуйидагиларга риоя этиш мақсадга мувофиқ деб топилди:

- ўқувчиларнинг “ҳарбий иш асослари” бобига доир билими ва уларда ватанпарварлик туйғулари ҳамда хулқидаги ноқисликларни аниқлаш ҳар бир машғулотнинг маълум тизим асосида амалга оширилиши;

- тажриба-синовнинг боб бўйича ўқувчилар билимларини аниқлашда уларга салбий таъсир этмай, қизиқарли ва фойдали бўлиши;

- гуруҳлардаги олиб борилган тажриба-синов ишлари индивидуал текширув ишлари билан мувофиқлаштирилиши;

- тажриба-синов ишлари ҳаққоний ва илғор методлар асосида олиб борилиши;

- тажриба-синов жараёнида талабчанлик билан бирга ўқувчиларни ҳурмат қилиш, интилишлари ва идеалларини ҳисобга олиш зарур эди;

Ўқувчиларда чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик самарадорлиги:

- “ҳарбий иш асослари” бобига бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малака натижаларини баҳолаш;

- Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитилишида “уч босқичли лойиҳа” усулини боб машғулотларини ўқитиш самарадорлигини оширишга кўрсатган таъсирини аниқлаш.

Тадқиқот вазифаси ҳамда объекти тафсифи аниқлангач, таълим жараёни самарадорлигига таъсир этувчи асосий тушунча ва омилларни аниқлашга ўтиш муҳим. Шу билан бирга тушунчанинг мазмунини ҳақиқий ижтимоий омиллар ҳамда воқеалар билан қиёслаш катта аҳамиятга эга.

Таълим самарадорлиги ҳозирги даврда ҳарбий таълимда талаб этиладиган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдан иборат жараён. Мазкур жараён қуйидаги шарт-шароитларда амалга оширилади:

- таълимни ҳозирги давр илғор технологиялари асосида ташкил этиш;

- ўқувчи нинг ўқув материални чуқур ўзлаштириб олиши;

- ўқувчиларнинг машғулотларга онгли муносабатда бўлиши, уларнинг билиш фаолиятини кучайтириш;

- машғулотларнинг юксак самарадорлигини таъминлаш;

- таълимнинг шакл ва методларини уйғунлаштириш;

- таълим олувчиларга индивидуал ва дифференциал ёндашув;

-ўқувчилар билимини объектив баҳолаш.

Бу борада биз назарий ва амалий машғулотларда ўқувчилар билимини анъанавий методлар ҳикоя, тушунтириш, маъруза, суҳбатлар билан бир қаторда илғор педагогик технологияларни қўллаш орқали амалга оширдик.

Натижада ўқувчилар машғулотларда олган топшириқларни бажариш жараёнида ўз фаолиятини ташкил этиш, ўз-ўзини таҳлил этиш ва баҳолаш орқали ижобий сифатларни шакллантириб, ривожлантириб борди, салбий сифатлар эса камая бошлади, ўрганилаётган бобга доир билимлари чуқурлашиб бориб, кўникма ва малакаларини такомиллаштирганлиги ва янги билимларни эгаллашдан иборат фаолияти фаоллашди

3.2. Тажриба-синов ишлари натижалари

Ўқувчиларга махсус саволнома тузилиб тарқатилди ва саволларга ёзма жавоблар олинди (3-илова).

Саволларга олинган жавоблар орқали “ҳарбий иш асослари” самарадорлигини баҳолаш учун ўқитиш жараёни олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга эришилганлик даражасини аниқладик.

Жавоблар таҳлил этилганда ўқувчилар билим даражаси ўрганилиб, улар билимининг чуқур ва тўлиқлигига, билимларининг малакага айланиши даражасига этибор бердик. Ўқувчилар дастлаб олинган билимларини муайян вазиятни таҳлил қилиш ва таҳлил асосида ўз билимларини амалиётга тадбиқ этиш қобилиятини эгаллаб олганлигини аниқлаш зарур эди. Сўнгра уларнинг жавоблари орқали фаолиятидаги хатти-ҳаракатига мослигига эътибор бериш, яъни “ҳарбий иш асослари” боби ўқув материалларини ўзлаштиришида қандай иштирок этаётгани ва ниҳоят кўникма ва қобилиятларга эга бўлганлигига эътибор қаратилди.

Ўқув бўлими (боб) - яъни “Ҳарбий иш асослари” боб бўйича якуний назорат саволларига олинган ёзма жавобларни таҳлил этиш натижасида “уч босқичли лойиҳа” усулидан фойдаланиш асосида таълим самарадорлигининг қай даражада ортганлиги маълум бўлди.

Интерфаол ёндашувнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик самарадорлигини оширишдаги ўрни қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган (3.1.1-жадвал).

Тажриба-синов якунида мезонлар асосида олинган натижалар асосида интерфаол ёндашувнинг таълим самарадорлигини оширишда қай даражада таъсир этганлиги юқори, ўрта, паст даражаларга ажратади.

Юқори даража - ўқув материалларини мазмун моҳиятини чуқур англаб етадилар, улардан фойдаланиш аҳамиятини тушунадилар, ўз фаолиятларида улардан фойдаланадилар.

Ўрта даража - ўқув материалларининг мазмун моҳиятини англаб етадилар, уларнинг аҳамиятини сезадилар, аммо ҳамма вақт ҳам фойдалана олмайдилар.

Паст даража - ўқув материалларининг моҳиятини суст англаб етади, уларни билишга эҳтиёж ва хоҳиш-истак бор. Лекин улардан фойдалана олмайди ва буннинг эҳтиёжини англамайдилар.

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик самарадорлигини оширишда интерфаол ёндашув натижалари (212-ўқувчи)

3.1.1.-жадвал

т.р.	Мезонлар	Тажриба гуруҳи (104 та ўқувчи)			Назорат гуруҳи (108 та ўқувчи)		
	Даражалар	Самарадорлик даражаси					
		Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст

1.	Замонавий жанг турларини ва уларнинг харектеристикасини билиши.	47	33	24	63	34	11
2.	Аскарнинг жанг олди ва жанг олиб боришдаги мажбуриятларида кўрсатилган харакатларни бажаришни билиши.	49	30	25	62	32	10
3.	Хужум ва мудофаа жангида харакатланиш усул ҳамда амалларни бажариш, кузатиш ва разведка қилишни билиши.	48	30	26	61	34	9
4.	Харитасиз мўлжал олиш ва азимут бўйича харакатланиш амалларини бажариш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлганлиги.	46	31	27	63	31	10
5.	Локал қуролли тўқнашувлар, ахборот курашлари, чет эл армияларининг қурол-аслаҳалари, жанговор техникаси ҳамда замонавий қирғин воситаларига оид маълумотларга эга бўлганлиги ва уларга қарши курашиш усуллари билиши.	47	32	25	60	33	11
	Ж А М И	237	156	102	255	164	51
	ЎРТАЧАСИ	48	31	25	64	34	10

Биз танлаган мезонлар асосида ўқувчиларнинг билим даражаси уларнинг ўқиши, аудиториядан ташқари фаолияти жараёнида кузатиб борилди: “Уч босқичли лойиҳа”усулини қўллаш жараёнларида ўқувчиларнинг хатти-ҳаракати кузатилиб, таҳлил этиб борилди. Таҳлиллар асосида таълим жараёнига интерфаол ёндашувнинг қай даражада самарадорлигини оширишга таъсири даражаси аниқланди (3.1.2., 3.1.3.-жадваллар).

**Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик самарадорлигини оширишда
интерфаол ёндашув натижалари (212-ўқувчи)**

3.1.2.-жадвал

т.р.	Мезонлар	Тажриба гуруҳи (104 та ўқувчи)			Назорат гуруҳи (108 та ўқувчи)		
	Даражалар	Самарадорлик даражаси					
		Юқори	Ўрта	Паст	Юқори	Ўрта	Паст
1.	Замонавий жанг турларини ва уларнинг ҳаректеристикасини билиши.	60	34	10	50	30	28
2.	Аскарнинг жанг олди ва жанг олиб боришдаги мажбуриятларида кўрсатилган ҳаракатларни бажаришни билиши.	62	32	10	49	31	28
3.	Хужум ва мудофаа жангида ҳаракатланиш усул ҳамда амалларни бажариш, кузатиш ва разведка қилишни билиши.	61	34	9	52	30	26
4.	Харитасиз мўлжал олиш ва азимут бўйича ҳаракатланиш амалларини бажариш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлганлиги.	63	31	10	51	31	28
5.	Локал қуролли тўқнашувлар, ахборот курашлари, чет эл армияларининг қурол-аслаҳалари, жанговор техникаси ҳамда замонавий қирғин воситаларига оид маълумотларга эга бўлганлиги ва уларга қарши курашиш усуллари билиши.	60	33	11	53	30	25
	Ж А М И	306	164	142	255	152	135
	ЎРТАЧАСИ	64	32	10	50	31	27

Тажриба-синов сўнгида ҳар икки гуруҳлар - тажриба ва назорат гуруҳларида Интерфаол ёндашувнинг таълим самарадорлигига таъсири даражаси аниқланди. Бу фарқ 3.1.4-жадвалда ўз ифодасини топган.

Интерфаол ёндашув натижасида таълим самарадорлиги даражасининг ортганлиги

3.1.3-жадвал

№	Гуруҳлар	Мезонлар	Тажриба сўнгида		
			Юқори	Ўрта	Паст
1.	Тажриба гуруҳи – 104 ўқувчи	Замонавий жанг турларини ва уларнинг характеристикасини билиши.	60	34	10
2.		Аскарнинг жанг олди ва жанг олиб боришдаги мажбуриятларида кўрсатилган ҳаракатларни бажаришни билиши.	62	32	10
3.		Хужум ва мудофаа жангида ҳаракатланиш усул ҳамда амалларни бажариш, кузатиш ва разведка қилишни билиши.	61	34	9
4.		Харитасиз мўлжал олиш ва азимут бўйича ҳаракатланиш амалларини бажариш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлганлиги.	63	31	10
5.		Локал қуролли тўқнашувлар, ахборот курашлари, чет эл армияларининг қурол-аслаҳалари, жанговор техникаси ҳамда замонавий қирғин воситаларига оид маълумотларга эга бўлганлиги ва уларга қарши курашиш усуллари билиши.	60	33	11
1.	Нazorat гуруҳи – 108 та ўқувчи	Замонавий жанг турларини ва уларнинг характеристикасини билиши.	50	30	28
2.		Аскарнинг жанг олди ва жанг олиб боришдаги мажбуриятларида кўрсатилган ҳаракатларни бажаришни билиши.	49	31	28
3.		Хужум ва мудофаа жангида ҳаракатланиш усул ҳамда амалларни бажариш, кузатиш ва разведка қилишни билиши.	52	30	26

4.		Харитасиз мўлжал олиш ва азимут бўйича ҳаракатланиш амалларини бажариш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлганлиги.	51	31	28
5.		Локал қуролли тўқнашувлар, ахборот курашлари, чет эл армияларининг қурол-аслаҳалари, жанговор техникаси ҳамда замонавий қирғин воситаларига оид маълумотларга эга бўлганлиги ва уларга қарши курашиш усуллари билиши.	53	30	25
Тажриба гуруҳи	Жами:		306	164	142
	Ўртачаси:		64	32	10
Назорат гуруҳи	Жами:		255	152	135
	Ўртачаси:		50	31	27

Юқоридаги жадвалларга асосан тажриба ҳамда назорат гуруҳларида Интерфаол ёндашувнинг таълим самарадорлигига таъсири **математик-статистик таҳлил этилганда қуйидаги ўзгаришлар намоён бўлди:**

Педагогик тажриба-синов натижаларини таҳлил этишда Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик самарадорлигини Интерфаол ёндашув асосида такомиллаштириш юзасидан ўқувчилар билан олиб борилган тажриба-синов ишлари натижаларига асосланган ҳолда математик-статистика методи қўлланилди. Тажриба-синов 393 та ўқувчи билан 8 та мезон асосида ўтказилди. Булар тажриба гуруҳида 196 тани ва назорат гуруҳида 197 тани ташкил этди. Олинган натижалар умумлаштирилди. Унинг ўртачасини қуйидаги жадвалда акс эттирамиз.

Ўқувчиларнинг тажриба сўнггида интерфаол ёндашув натижасида

ўзлаштириш кўрсаткичлари

3.1.4-жадвал

Гуруҳлар	Ўқувчилар сони	Ўзлаштириш даражалари		
		Юқори	Ўрта	Паст
Тажриба	104	64	32	10
Назорат	108	50	31	27

Бу кўрсаткичларни фоизларда ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз. Ҳар бир ўқувчи нинг ўзлаштириш коэффиценти фоизларда

$$K = \frac{J}{Q} 100\% \text{ формула орқали топилади.}$$

Бу ерда J – ўтказилган тажрибада саволларга берилган тўғри жавоблар сони. Q – Ўқувчиларнинг умумий сони.

3.1.5-жадвал

№	Гуруҳлар Баҳо	Тажриба	Назорат
1.	Юқори	$K_1 = \frac{64}{104} \cdot 100\% = 67\%$	$K_2 = \frac{50}{108} \cdot 100\% = 54\%$
2.	Ўрта	$K_1 = \frac{32}{104} \cdot 100\% = 33\%$	$K_2 = \frac{31}{108} \cdot 100\% = 33\%$
3.	Паст	$K_1 = \frac{10}{104} \cdot 100\% = 10\%$	$K_2 = \frac{27}{108} \cdot 100\% = 27\%$

Олинган қийматлар асосида Стъюдент-Фишер критериясини қўллаб математик-статистик таҳлил қиламиз.

Тажриба ва назорат гуруҳдаги баҳолаш натижаларини мос равишда 1 ва 2- танланмалар деб олсак, қуйидаги вариацион қаторларга эга бўламиз.

1-танланма X_i : юқори; ўрта; паст;

(тажриба гуруҳи) n_i : 64; 32; 10.

$$m=104$$

2-танланма Y_j юқори; ўрта; паст;

(назорат гуруҳи) n_j 50; 31; 27.

$$n=108$$

Ўқувчиларнинг тажриба сўнггида интерфаол ёндашув натижаси

Диаграммада қайд этилган графиклардан англанадики, тажриба ва назорат гуруҳлари учун танланма модал қийматлари мос равишда $M_T = 5$ ва $M_H = 3$, яъни улар орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб, $M_T > M_H$ экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам $X > Y$ шартларни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади. Уларни қуйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{X} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i x_i = \frac{1}{104} (100 \cdot 5 + 64 \cdot 4 + 33 \cdot 3) = \frac{1}{104} (500 + 252 + 99) = \frac{851}{104} = 4,3$$

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{108} (56 \cdot 5 + 72 \cdot 4 + 69 \cdot 3) = \frac{1}{108} (280 + 288 + 207) = \frac{775}{108} = 3,9$$

Демак, тажриба гуруҳида ўртача ўзлаштириш назорат гуруҳидан катта экан: $X > Y$

Юқоридаги натижаларга асосланиб тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичларини ҳисоблаймиз.

Бизга маълум $\bar{X}=4,3$; $\bar{Y}=3,9$; $\Delta_m=0,07$; $\Delta_n=0,08$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{ycb} = \frac{(\bar{X} - \Delta_m)}{(\bar{Y} + \Delta_n)} = \frac{4,3 - 0,07}{3,9 + 0,08} = \frac{4,23}{3,98} = 1,06 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_m) - (\bar{Y} - \Delta_n) = (4,3 - 0,07) - (3,9 - 0,08) = 4,23 - 3,82 = 0,41 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Демак, Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик самарадорлигини интерфаол ёндашув асосида такомиллаштириш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор экан.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, тадқиқотда биз олиб борган тажриба-синов ишлари натижасида интерфаол ёндашув асосида таълим самарадорлигини ошириш мумкинлиги ўз исботини топди.

Мазкур тадқиқотда тажриба-синов ишлари маълум лойиҳалаштирилган дастур асосида ишлаб чиқилган методикада олиб борилди. Тажриба-синов ишларида анъанавий методлар билан бирга илғор педагогик технологиялардан ҳам фойдаланилди. Шунингдек, таълим самарадорлигини аниқлаш мақсадида махсус тузилган саволномаларга ёзма жавоблар олинди. Натижалар математик-статистик таҳлил этилди. Таҳлиллар тадқиқот ишида қўлланилган методиканинг тўғрилигини исботлади.

Умумий ҳулоса ва тавсиялар

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда ўқувчиларнинг ўқув ва ижодий фаолликларини оширувчи, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи педагогик технологияларни қўллашга доир катта тажриба тўпланган бўлиб, бу тажриба асосини интерфаол методлар ташкил этмоқда.

Бу каби методлар ўз моҳиятига кўра таълим олувчиларда ўқув-билиш фаоллигини ошириш, уларни кичик гуруҳ ва жамоада ишлаш, ўрганилаётган мавзу, муаммолар бўйича шахсий қарашларини дадил, эркин ифодалаш, ўз фикрларини ҳимоя қилиш, далиллар билан асослаш, тенгдошларини тинглай олиш, ғояларни янада бойитиш, билдирилган мавжуд мулоҳазалар орасидан энг мақбул ечимни танлаб олишга рағбатлантириш имкониятига эгаллиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчи (педагог)лар томонидан интерфаол методларнинг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим олувчи (ўқувчи, талабалар)да мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантикий фикрлаш, мавжуд ғояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантикий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият яратадиди.

Ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишда педагогик технологияларнинг таъсир кучи ниҳоятда катта. Улар таълим жараёнининг муҳим шакллари сифатида ўқувчиларнинг онги, хулқи, ҳатти-ҳаракатларида фаолиятларига таъсир этади ва ўқув жараёнида, дарсдан ташқари тарбиявий жараёнида ўзининг қимматини оширишни ҳам таъминлай.

Тадқиқот ишида ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини ошириш жараёни муваффақиятли бўлиши ўз исботини топди.

Тавсиялар: Ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг асосий шартларига оғишмай амал қилиш;

ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини Қуроллир Кучларимизда олиб борилаётган ислохотлар билан боғлаган ҳолда амалга ошириш;

ўқув лойиҳа технологиясидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини ошириш, унинг ўзига хос омилларини, методларини ва воситаларини замонавий ўқитишга қўйилаётган талабларга уйғунлигини такомиллаштириб бориш.

Юқорида баён этилган хулосаларга таянган ҳолда Чақирикқача ҳарбий таълим фани ЧҚБТ раҳбарлари ўртасида педагогик технологиялар моҳияти борасидаги назарий-амалий билимларни тарғиб этиш, уларда ҳарбий фаолият жараёнида кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, бу борада самарадорликка эришиш муваффақиятини таъминлашга хизмат қилувчи қуйидаги тавсияларни илгари сурамиз:

1. Чақирикқача ҳарбий таълим педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг назарий-амалий асосларини ишлаб чиқиш, уни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб бораётган Чақирикқача ҳарбий таълим ЧҚБТ раҳбарлари ўртасида кенг тарғиб этиш.

2. Чақирикқача ҳарбий таълим педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг яхлит тизимини яратиш.

3. Чақирикқача ҳарбий таълим ЧҚБТ раҳбарларининг педагогик технологиялар назарияси оид манбалар билан қуроллантириш.

4. Чақирикқача ҳарбий таълимда фойдаланадиган манбалар мазмунига педагогик технологиялар элементларини сингдириш.

5. Чақирикқача ҳарбий таълим ЧҚБТ раҳбари ларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини педагогик технологияларнинг назарий асосларига оид ўқув методик адабиётлар билан таъминлаш.

Мазкур тарқиқот ишидан чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг илмий, назарий асосларини такомиллаштиришда, ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг методикасини ишлаб чиқишда ва ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг ўзига хос механизмлари яратишда методик қўлланма сифатида фойдаланиш аҳамиятга моликдир.

Ўқув лойиҳа технологиясидан чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини ошириш омилларига оид билимларни ахборот технологиялари асосида ривожлантириш ва таълим бериш йўллари такомиллаштирилди ва унга мос мезонлар ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида чақирувга қадар бошланғич тайёргарликнинг амалий машғулотларида ўқитишнинг лойиҳавий технологиясини қўллаш бўйича фан ўқитувчисининг ташкилий ва услубий жиҳатдан имкониятлари яратилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ш.М.Мирзиёев “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимидаги киришиш тантанали маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
2. Ш.М.Мирзиёев “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
3. Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.
4. Ш.М.Мирзиёев Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
5. И.А.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.
6. И.А.Каримов Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.
7. И.А.Каримов Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
8. Н.Н. Азизходжаева. Ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда Педагогик технологиялар. © Низомий номидаги ТДПУ, 2007.
9. Аминов А.Ҳ. Умумий ўрта таълим педагог ходимлари малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг назарий-амалий масалалари: Пед.фан.номз. ... дисс.- Т.: 2004.-156-бет

10. Мусурмонова. О. Юқори синф ўқувчиларини маънавий маданияти шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.-Т.:1993.-289 б.
11. Ўзбекистон Республикасининг “ Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа контсерни, 1997. 20-бет.
12. А. Сотволдиев. “Ўзбекистон Республикаси Мудофа вазирлигининг Марказий матбуот органи “Ватанпарвар” газетаси. “Машғулотларда педагогик инновацион технологияларнинг қўлланиши” 2010 й. 10. 09. № 37.
13. А. Сотволдиев. Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси. Низомий номидаги ТДПУ, 2012.
14. Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Ҳолиқова. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. Методик қўлланма. Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013. – 136 бет.
15. Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Ўқитишнинг лойиҳавий технологияси тўплами. Методик қўлланма/Серия “Ўрта махсус, касб-хунарс таълими тизимида инновацион технологиялар”. – Т.: ТДИУ, 2013. – 83 бет.
16. Ишматов Қ. Педагогик технология. Маруза матни. Наманган, НамМПИ.- 2004.- 95 б.
17. Худойқул Тўраев. Баркамол авлод йили. 2010 й.
18. Соғлом авлодни шакллантиришда янги педагогик технологияларнинг ўрни. Тошкент вилояти ёш олимларининг II- илмий-амалий анжумани мат. - Т: ТВХТХМОИ, 2002. - 76 б.
19. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. -Т.: Молия, 2003. 171 б.
20. Муслимов Н.А., Абдуллаева қ.М. Ўқитувчининг касбий тикланиш омиллари. //Ж. Узлуксиз таълим. 2005. -№2.
21. Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб / Методик қўлланма. У.И.Иноятов, Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иноғомова. – Тошкент: Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, 2012 – 122-бет.

22. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини ўқитишнинг замонавий технологиялари ”модули бўйича ишчи дастур. 2018 й. Таълим тури: Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.
23. Янги педагогик технология. 2013 й. Маърузалар матни. 2016 38-41 бетлар
24. А. Сотволдиев. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси. Низомий номидаги ТДПУ, 2012.

“Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани “ҳарбий иш асослари” боби бўйича машғулот самарадорлигини қайд қилиш”

СЎРОВНОМАСИ

Азиз ўқувчи! Ушбу сўровномада чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича машғулотлар самарадорлигини янада оширилишига қаратилган саволлар берилган. Сиздан берилган, ҳар бир саволни диққат билан ўқиб чиқишингизни ва имкон қадар аниқ жавоб беришингизни илтимос қилинади.

Саволларга жавоб беришингизда жавоб вариантлари берилган бўлса сизга энг тўғри келадиганининг олдида "+" белгисини қўйинг. Агар жавоб вариантлари берилмаган бўлса имкон қадар аниқ қилиб ўз фикрингизни ифодаланг. Сиз бу билан чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича машғулотлар самарадорлигини янада оширилишига ўз хиссангизни қўшган бўласиз. Бунинг учун сизларга миннатдорчилик билдирамиз.

1. Сиз “Чақирувгача бошланғич тайёргарлик” фанини ўрганишга нима учун қизиқасиз?

- ҳарбий олий билим юртига кириш учун;
- ЎР фуқароси сифатида конституцион бўрчимни адо учун;
- жанговор зирхли техника ва қуrol-яроғларга қизиқаман;
- Ўқитувчимизнинг дарсни жуда қизиқарли тарзда олиб боргани учун;
- билмадим, негадир менга қизиқ туюлади.

2. ЧҚБТ фанини ўқитилишида, машғулоти ташкил этиши ва олиб боришида, фан ўқитувчисининг қандай ёндашувларини маъқул кўрасиз ?

- ўқув материалларини тушунтиришда интерфаол усуллардан фойдаланиши;
- ўқув материалларини тушунтиришда ҳаётий мисолар билан боғлашини;
- мустақил ишларни беришда бизларга тўлиқ ишонч билдиришини ва топшириқ ва вазифаларни бажариш бўйича аниқ ва тушунарли тавсиялар беришини;
- бажарилган топшириқларни адолатли боҳолашини;
- бирон бир фикр билдиришга иккиланиб қолдим.

3. Машғулот жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланилган қандай усуллар сизга кўп фойда келтирди ?

- ўқитувчининг фаоллиги, кўрсатиши, тушунтириши;
- машғулотда амалий иш ёки машқ бажартириши;
- дарсда ўқувчиларни кичик бўлиши ва топшириқларни бажаришда ўқувчиларни ҳамкорликда ишлашга йўллаши;
- дарснинг якуний қисмида гуруҳлар томонидан тақдимот ўтказилиши;
- мавзу материалларини дарс жараёнида ёзиб олишга имкон бериши.

4. ЧҚБТ дарс жараёнида “уч босқичли лойиҳалаш” усулидан фойдаланишнинг моҳияти нимада деб ўйлайсиз ?

- дарс материаллари бўйича амалий иш бажарилишини пухта режалаштирилишида;
- ўрганиладиган ўқув материалларини мантикий кетма-кетликда ўрганилишида;
- вазифалар кичик гуруҳларга тенг тақсимланиши ва гуруҳ ўқувчиларига ҳам вазифалар тақсимланишида;

- топшириқни бажарилиши, гуруҳ ўқувчиларининг ўзаро назоратида бўлиши ва натижани тақдироти ўтказилиши ва баҳоланишида ҳар бир ўқувчининг маъсулиятли бўлишида;

- юқорида баён этилган мазмунларнинг барчаси ҳамкороликда ишлашнинг моҳиятини белгилайди деб ўйлайман;

-

5. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг “ўқ босқичли лойиҳалаш” усулидан ишлаши, аввалги ўқитувчи фаоллигида олиб бориладиган машғулотлардан афзаллигини нималарда деб билдингиз ?

- ўқув гуруҳи тенг сонли ва иқтидори жихатидан адолатли гуруҳларга бўлинишида;

- ўқитувчи томонидан ишни ташкил этиши, йўллаши ва фаоллик ўқувчилар томонида бўлишида;

- дидактик материалларнинг етарли даражада таъминланишида;

- кичик гуруҳларнинг ўқув фаолити натижалари бўйича тақдирот ўтказилишида;

- иш жараёни нафақат ўқитувчи умумий назоратида, балки ўқувчиларнинг ўзаро назорати йўлга қўйилишида.

6. ЧҚБТ фани мавзулари бўйича қўшимча маълумотлар олишни истайсизми ?

ха;

йўқ.

7. ЧҚБТ фани мавзулари бўйича қўшимча маълумотлар олиш учун имкониятлар мавжудми?

-ха;

-йўқ.

2-илова

**Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида чақирувга қадар
бошланғич тайёргарлик фани “ҳарбий иш асослари” боби бўйича
машғулот самарадорлигини оширишда фойдаланилган
материаллар**

"Ҳарбий иш асослари" боби

Дарснинг таълимий мақсади ўқувчиларга замонавий умумқўшин жанги ҳақида тушунча бериш, жанг мақсади, унинг турлари, аскарнинг жангдаги мажбуриятлари, шахсий қурол ва анжомлари ҳақида тўлиқ маълумот бериш. Дарснинг тарбиявий мақсади ўқувчиларни маънавий ва ахлоқий сифатларини шакллантириш, ҳамда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш. Дарснинг ривожлантирувчи мақсади ўқувчиларда "Умумқўшин жанги асослари" дарси мавзусидан ўз фикрларини мустақил баён эта олишлари ва турли вазиятларда ақл билан иш тутиш кўникмаларини ривожлантириш.

Дарснинг касбга йўлловчи мақсади - дарс ўтиш жараёнида ўқувчиларга республикамиздаги қўшин турлари, -қўшин турларидаги асосий ҳарбий мутахассисликлар, улар фаолиятининг ўзига ҳос жиҳатлари тўғрисида умумий маълумотлар берилади.

"Разведка" мавзуси.

Дарснинг таълимий мақсади - ўқувчиларга кузатиш учун жой танлаш ва кузатиш пости таркибида ҳаракатланишни, душман жойлашган худуди, унинг ҳарбий-техник кучлари, мақсад ва ҳаракатларини кузатиш ва ўз қўшинларига алоқа воситалари ёки бошқа йўллар билан хабар беришни ўргатиш.

Дарснинг тарбиявий мақсади - ўқувчилар билим салоҳиятини ошириш ва уларда психологик тетикликни, сабр-тоқатлилиқни тарбиялаш.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади - ўқувчиларда иродавий қобилиятларни, онгли интизомлиликни ривожлантириш. Дарснинг касбга йўлловчи мақсади — дарс ўтиш жараёнида ўқувчиларга Ўзбекистон Қуролли Кучларида разведка бўлинмалари фаолиятининг мазмуни, вазифалари ва аҳамиятидан ташқари, разведкачиларни касбий тайёрлашни амалга оширувчи республикамиздаги ҳарбий билим юртлири, разведкачи шахсига - қўйиладиган психофизиологик талаблар тўғрисида чуқурроқ тушунча берилади. Ўқувчилар касб томонидан шахсга қўйиладиган талаблар тўғрисида чуқурроқ маълумотларга эга бўлишларига эътибор қаратилади.

"Мухандислик жихозлари ва уларни кўздан яшириш" мавзуси.

Дарснинг таълимий мақсади - мухандислик жихозлари (тўсиқлари) деб жойларга қурилган ёки ўрнатилган мухандислик иншоотлари, воситалари ёки ташкил қилинган вайроналар тўғрисида атрофлича маълумот бериш. Мухандислик жихозлари ёрдамида душманнинг тирик кучи ва ҳарбий техникасига талофат бериш йўллари, душман ҳаракатини секинлаштириш, манёвр қилишига йўл қўймаслик ва шу билан унинг тирик кучи ва техникасини йўқ қилишга ёрдам беришдан иборатлигини тушунтириш.

Дарснинг тарбиявий мақсади - ўқувчиларда Она-Ватанга, оиласига, ҳарбий хизматга бўлган муҳаббат ҳисларини янада шакллантириш ва уларни ўзаро уйғунлаштириш.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади — ўқувчиларда хотира, диққат ва мантиқий тафаккурни ривожлантириш.

Дарснинг касбга йўлловчи мақсади - дарс ўтиш жараёнида ўқувчиларга ўқитилаётган мавзуга оид бўлган қўшимча маълумотлар ҳарбий-мухандисликлар, қўшинларда мавжуд ҳарбий мухандис мутахассисликларининг турлари, бундай мутахассисларни тайёрлаш

масалалари ва уларга қўйиладиган асосий касбий билим, малака ва кўникмалар тўғрисида маълумотлар берилади.

**"Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларда қўлланиладиган
миналар" мавзуси.**

Дарснинг таълимий мақсади замонавий жангда мухандислик тўсиқлари (минали майдонлар) қўшилмаларининг жанговор ҳолатларини таъминлашда асосий аҳамиятга эга эканини тушунтириш, миналарнинг турлари ва техник тавеифлари, уларни ўрнатиш ҳамда зарарсизлантириш қоидалари тўғрисида аниқ маълумотлар бериш.

Дарснинг тарбиявий мақсади ўқувчиларда мардлик, жасурлик, инсонпарварлик, вазминлик каби хислатларни шакллантириш.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади - ўқувчиларда оғир ва экстремал вазиятларда ҳам ўзини-ўзи идора қилиш қобилиятини шакллантириш, диққатни ривожлантириш.

Дарснинг касбга йўлловчи мақсади - дарс ўтиш жараёнида ўқувчиларга душманнинг турли ҳарбий техникаси ва кучларига зарар етказишга доир бўлган билимлардан ташқари, сапёр ихтисоси, бу ихтисоснинг қўшин турлари ичида тутган ўрни, сапёрлар учун зарур бўлган касбий билим, малака ва кўникмалар тўғрисида ўзаро фикр алмашилади ва ўқувчилардаги мавжуд билимларни қўшимча маълумотлар билан **бойитилади**. Дарс жараёнида ўқувчиларда сапёр ихтисосига нисбатан қизиқишнинг шаклланишига замин яратишга ҳаракат қилиш керак.

Зилова

Глоссарий

1. **Билиш фаолияти** –идрок қилиш ҳисси, назарий фикрлаш ва амалий фаолият бирлиги.
2. **Давлат таълим стандарти** – узлуксиз таълимнинг муайян босқичида шахс (мутахассис)нинг тайёргарлик даражаси ва мазмунига қўйиладиган минимум талаблар.
3. **Харбий дидактика**– бу харбий таълим ва маълумот назариясини ишлаб чиқадиган харбий падагогика тармоғи бўлиб ҳисобланади.
4. **Ҳамкорлик усули - бу**
5. **Лойиҳа усули - бу**
6. **Идрок этиш малакаси** – бошқа субъектнинг хусусиятларини – унинг мулоқоти ва мулоқотга ҳозирлигини аниқлаш учун зарур бўлган касбий – педагогик малака.
7. **Илмий муаммо (масала)** – фан орқали ҳал қилинадиган асосий зиддиятлар.
8. **Индивидуаллик** - шахснинг бетакрор биосоциологик хусусиятлари.
9. **Интеллект** – шахснинг турли фаолият турларини муваффақият билан ўзлаштиришини белгилайдиган туғма ва ўзлашма барча ақлий қобилиятлар тўплами.
10. **Ички позиция (мавқе)** – шахснинг кундалик эҳтиёжи билан узвий боғлиқ ва ҳаётининг муайян даври фаолиятининг асосий мазмуни ва йўналганлигини белгиловчи ижтимоий кўрсаткичлари тизими.
11. **Касбий – педагогик мулоқот** – педагог ва тарбияланувчининг ўзаро зич ижтимоий – психологик алоқаси тизими бўлибунинг мазмуни ахборотлар айрибошлаш, тарбиявий таъсир ўтказиш, коммуникатив воситалар ёрдамида ўзаро муносабатларини ташкил этиш ҳисобланади.
12. **Касбий тайёргарлик** – бўлажак мутахассиснинг психологик, психофизиологик, жисмоний ҳамда илмий-назарий ва амалий тайёргарлиги.

13. **Касбий билимдонлик** – педагогик фаолият юритиш учун зарур бўлган назарий ва амалий тайёрлик бирлиги.
14. **Коммуникация** – кишиларнинг ўзаро мулоқотларида ахборотлар алмашиш тавсифи.
15. **Конфликт** – қарама-қарши қарашлар, фикрлар тўқнашуви, жиддий зиддият, қизғин баҳс.
16. **Кўникма** – ўргатиш натижасида қўлга киритилган, беихтиёр, автоматик тарзда бажариладиган ҳаракат. Кўникмалар бирор ҳаракатни назоратсиз, автоматик тарзда бажариш қобилиятларидир.
17. **Малака тавсифномаси** – ўқитувчининг назарий ва амалий билимларига қўйиладиган умумий талаблар.
18. **Математик ва статистик метод** – бу метод оғзаки сўров ва эксперимент натижаларига ишлов беришда, шунингдек, ўргатилаётган ҳодисалар орасидаги миқдорий алоқадорликни ўрнатишда қўлланилади.
19. **Машқ** – ўзининг билимларини чуқурлаштириш ҳамда тегишли малака ва кўникмалар ҳосил қилиш мақсадида ҳаракатларни оғзаки ва ёзма равишда такроран амалга ошириш.
20. **Методика** – бирор ишни ташкил қилишда мақсадга мувофиқ қўлланиладиган методлар.
21. **Методология** – 1) дунёни илмий билиш методи ҳақидаги таълимот; 2) бирор фанда, шу жумладан педагогикада қўлланиладиган методлар.
22. **Мотив** – маълум эҳтиёжларни қондириш учун асос бўладиган кишининг ички фаолият мазмуни.
23. **Муаммоли ўқитиш** - ўқув машғулотини ташкил этиш шакли бўлиб унда педагог раҳбарлигида муаммоли вазият юзага келтирилади ва унинг ҳал қилинишида таълим олувчилар фаол мустақил ҳаракат қиладилар.
24. **Муаммоли вазият** - ўқув вазияти бўлибу машаққат билан ҳал қилинадиган масала туфайли юзага келади.

25. **Мунозара** – 1) матбуотда, суҳбатда бирор баҳсли масалани муҳокама қилиш, баҳс; 2) муайян муаммо бўйича фикр алмашишга асосланган таълим методи.
26. **Объект** – инсоннинг, субъектнинг билиш предмети ва фаолияти.
27. **Педагогиканинг назарий вазифаси** – илғор ва янги педагогик тажрибаларни ўргатиш.
28. **Педагогиканинг технологик вазифаси** – диагностик сатҳ – педагогик ҳодисалар ҳолатини аниқлаш; башорат қилиш сатҳи – педагогик фаолиятни экспериментал тадқиқ қилиш ва шу асосда педагогик воқеликни яратиш моделларини ўрнатиш; лойиҳа сатҳи- педагогик фаолиятнинг назарий концепцияси, унинг мазмуни ва характери асосида уларга мувофиқ методик материаллар (ўқув режа, дастур, дарслик ва ўқув қўлланмаси, педагогик тавсияномалар) ишлаб чиқиш;
29. **Педагогика предмети** – махсус институтларда (оила, таълим ва тарбия, маданият муассасалари) мақсадга мувофиқ ташкил этиладиган реал, яхлит педагогик жараён.
30. **Педагогик жараён** – таълим масалалари, унинг тараққиётини ҳал қилишга қаратилган, махсус ташкил этилган педагог ва тарбияланувчиларнинг мақсадли ўзаро муносабатлари.
31. **Педагогик жараён тамойиллари** – педагогик фаолиятни ташкил этишнинг асосий талаблари бўлибу педагогик жараённинг йўналишини кўрсатади ва унинг қонуниятларини очиқ беради.
32. **Педагогик ихтисослик** – таълим натижаси ўлароқ билим, малака ва кўникмалар мажмуидан иборат бир касбий гуруҳ доирасидаги фаолият тури.
33. **Педагогик малака** – муайян тоифадаги вазифаларни ҳал қилиш имкониятига эга бўлган мутахас-сиснинг касбий педагогик тайёргарлиги даражаси ва тури.
34. **Педагогик масала** – педагогик жараённинг асосий бирлиги, ўзига хос тизимидир. У воқеликни билиш ва қайта яратиш зарурияти билан боғлиқ тафаккур қилинадиган педагогик

вазиятдир.

Таълим қатнашчиларининг маълум бир мақсадини кўзлаган таълим ватарбиядагим оддийлаштирилган вазиятдир.

35. **Педагогик маҳорат** – педагогик жараёни билиш, уни ташкил эта олиш, ҳаракатга келтира олиш (А.С. Макаренко), педагогик жараёнинг юқори самарадорлигини белгиловчи шахснинг иш сифати ва хусусиятлари синтези.

36. **Педагогик мулоқот** – таълим олувчиларнинг мақсадлари ҳамда уларнинг биргаликдаги фаолиятлари мазмунидан келиб чиқадиган ўзаро алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришни, бир-бирини англаш ва қўллаб-қувватлашни ташкил этишнинг кўп қиррали жараёни.

37. **Педагогик такт** – болалар фаолиятининг турли доираларида улар билан мулоқотда бўлишнинг педагогик тамойили, ўлчови, ўқувчилар билан уларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўғри мулоқотда бўла олиш малакаси.

38. **Педагогик техника** – 1) ҳар бир таълим олувчига ва жамоага педагогик таъсир ўтказишда самарали қўллаш учун зарур бўлган малака ва кўникмалар мажмуаси; 2) ҳар бир таълим олувчи ва жамоанинг фаоллигини педагогик жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган малака ва кўникмалар.

39. **Педагогик технология** – 1) олдиндан лойиҳалаштирилган педагогик жараёни амалиётда режали ва бир маромда татбиқ этиш ёки педагогик масалани ечишга қаратилган педагогнинг узлуксиз ўзаро боғланган ҳаракатлари тизимидир;

40. **Педагогик фаолият** – таълим мақсадларини амалга оширишга қаратилган ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури.

41. **Педагогик ўйин** – билим олишга қаратилган ва маълум бир педагогик натижани кўзлаган ҳамда таълим жараёнида муайян мақсадни амалга оширувчи фаолият тури.

42. **Роль ижро этиш** – қатнашувчиларнинг яқка ва гуруҳ бўлиб турли ролларда (сахнада) чиқиши, образга кириши.

43. **Рухий педагогик тайёргарлик** – педагогиканинг методологик асослари ва категорияларини, шахснинг ижтимоийлашуви ва тараққиёти қонуниятлари, таълим ва тарбиянинг моҳияти, мақсади ва технологияларини билиш.
44. **Сардор** – гуруҳ аъзоларига лозим бўлган вазиятларда сезиларли таъсир ўтказа оладиган шу гуруҳнинг аъзоси.
45. **Тадқиқот объекти** – зиддият ва муаммоли вазият туғдирувчи, билишга қаратилган илмий таҳлилга муҳтож объект.
46. **Тадқиқот предмети** – бевосита ўргатилиши лозим бўлган ва амалий ёки назарий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этадиган объектнинг моҳияти, маълум бир томони, хусусияти.
47. **Такт** – мислик ўрилмаган тарзда ўзини тута билиш.
48. **Технология** – ишлаб чиқариш жараёнида ашёлар, материаллар, ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, ашёнинг ҳолати, хусусияти, шаклини ўзгартириш методлари тўплами.
49. **Ўйин**-фаолиятнинг бир тури бўлиб ижтимоий тажрибаларни ўзлаштириш ва бунёд этишга, ўз хатти-ҳаракатларини такомиллаштиришга қаратилган бўлади.
50. **Яхлит педагогик жараён** - тарбия жараёнида таълим ва таълим жараёнида тарбия беришнинг ўзаро сингиб кетган, яхлит ҳолга келган жараёни.